25 ФЕВ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 38 (20. 905) 1991 йил 22 февраль, жума ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1991 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲАҚИДА

1991 йилги Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг ижроси ижтимоий ва иқтисодий дастурни амалга оширишни таъминламоғи керак ва у жумҳурият иқтисодиётини барқарорлаштириш, бозор муносабатларини жорий этиш, чакана нархларни ислоҳ қилиш кўзда тутилаётганлиги муносабати билан аҳолини муҳофаза қилиш учун зарур ресурсларни яратишга қаратилгандир.

1-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1991 йилги Давлат бюджети даромадлари бўйича 23667159 минг сўм ва харажатлар бўйича 25582325 минг сўм атрофида, сарф-харажатлар даромадлардан 1915166 минг сўм ёки 7,48 фоиз ортиқ қилиб (тақчиллик билан) тасдиқлансин.

1991 йилги жумҳурият бюджети даромадлар бўйича 21244477 минг сўм ва сарф-харажатлар бўйича 22601338 минг сўм миқдорида белгилансин. Бунда Қорақалпоғистон АССР, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ўтказиладиган 4483114 минг сўм миқдоридаги маблағлар ҳам ҳисобга олинади.

1991 йилги жумҳурият бюджети дефицитининг энг юқори даражаси 1356861 минг сўм ёки 7,48 фоиз миқдорида белгилансин.

Бюджет сарф-харажатларини маблағ билан таъминлаш ҳақиқатда олинган даромадлар доирасида амалга оширилиши белгилансин.

2-модда. Жумҳуриятнинг 1991 йилги Давлат бюджети даромадлари қуйидагилар ҳисобига шакллантирилсин:

оборот солиғидан ажратмалар;

(Давоми учинчи бетда).

• Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қарори

Нарх-навони бошқариш принциплари ва Ўзбекистон ССРнинг 1991 йилги Давлат бюджети ҳақида

Нарх-навони бошқариш ва Ўзбекистон ССРнинг 1991 йилги Давлат бюджети масалаларини эшитиб ва муҳокама қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР вице-президентининг муҳокама этилган масала бўйича ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ССРнинг 1991 йилги Давлат бюджетининг асосий параметрлари даромадлар бўйича 23,7 миллиард сўм, харажатлар бўйича 25,6 миллиард сўм миқдорида маъқуллансин. Бюджетнинг дефицит чегараси 1,9 миллиард ҳажмида тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари вилоят Советлари ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети билан биргаликда маҳаллий бюджетлар дефицитини мумкин қадар қисқартириш имкониятини қўшимча равишда кўриб чиқсин.

4. Ўзбекистон ССР ҳукуматининг аҳолига ва биринчи навбатда кам таъминланган қатламлар: пенсионерлар, ногиронлар, студентлар, ўқувчилар, кўп болали оилалар ва бошқаларга харажатлар компенсациясини бериш, ишсизларга нафақа бериш масалаларини ҳал этишнинг самарали воситаси ишлаб чиқилган ва ишга туширилган тақдирдагина озиқ-овқат ва бошқа кундалик эҳтиёж моллариga чакана нархлар оширилади, деган таклифи маъқуллансин.

5. Ўзбекистон ССР ҳукумати чакана нархларни бошқариш бўйича амалий фаолиятда аҳолининг реал даромадларини бир-бирига яқинлаштириш ва бу даромадларни ҳаёт кечириш минимумидан паст бўлмаган даражада таъминлашга асосий эътибор берсин.

6. Халқ депутатлари вилоят Советлари ва Тошкент шаҳар Совети, Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги, Ўзбекистон ССР давлат банки, акционерлик-тижорат банклари республика вазирликлари ва идоралари билан биргаликда зарар кўриб ишлаётган корхоналар, ташкилотлар, колхоз ва совхозлар ўз ходимларининг турмуш даражасини сақлаш ҳамда даромадларини оширишга қилган харажатларни қоплаш учун ресурслар қидириб топсинлар.

7. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари нарх-навони бошқариш соҳасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ишларини бошқарсинлар, бунда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга, ҳар бир корхона, ташкилот ва хўжалик бўйича нарх-наво ошишининг ўрнини қоплаш учун маблағлар қидириб топиш билан боғлиқ масалаларни амалий ҳал этишга алоҳида эътибор берсинлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёж моллари тўғри тақсимланишини таъминлайдиган, бу ишда бузилишлар ва суиистеъмоллар истисно этиладиган чора-тадбирларни кўрсинлар.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1991 йил 14 февраль.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ОЛИБ ҚОЧГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Транспорт воситаларини олиб қочганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССРнинг 1959 йил 21 майдаги қонуни билан тасдиқланган (ЎзССР Олий Советининг ведомостлари, 1959 йил, Ғ6, 2-модда; 1983 йил, Ғ1, 1-модда, 1985 йил, Ғ31, 359-модда) Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 209-2-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«209-2-модда. **Транспорт воситаларини олиб қочиш**

Транспорт воситаларини олиб қочиш —

уч йилдан етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар такрор ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилса —

мол-мулкини мусодара қилиб, етти йилдан ўн икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар ўта хавфли рецидивист, уюшган жиноятчи гуруҳ томонидан, ёхуд куч ишлатиб ёки дўқ-пўписа қилиб содир этилса — мол-мулкини мусодара қилиб, ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади».

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 15 февраль.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШАНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг бошлиғи сифатида Ўзбекистон ССР Президенти ёки Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раиси ва Ўзбекистон ССР вице-президентининг шани ва қадр-қимматига путур етказилишига йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этган ҳолда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон ССР Президенти ёки Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ва Ўзбекистон ССР вице-президентини ошкора ҳақоратлаганлик ёки уларга нисбатан туҳмат қилганлик —

уч минг сўмгача миқдорда жарима солиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этиш ёхуд уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Матбуотдан ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилган худди шундай хатти-ҳаракатлар —

икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этиш ёхуд олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

2-модда. Ўзбекистон ССР Президенти ёки Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ва Ўзбекистон ССР вице-президентини ҳақоратловчи ёки уларнинг шахсига нисбатан туҳматни ўз ичига олувчи материални эълон қилган оммавий ахборот воситасига суд қарорига кўра йигирма беш минг сўмгача миқдорда жарима солинади.

Ўзбекистон ССР Президенти ёки Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ва Ўзбекистон ССР вице-президентини ҳақоратловчи ёки уларга нисбатан туҳматни ўз ичига олувчи материални такроран тарқатган оммавий ахборот воситасининг фаолияти суд қарорига кўра тўхтатилиши мумкин.

3-модда. Мазкур Қонунга мувофиқ Ўзбекистон ССРнинг қонун ҳужжатларига қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

а) 1959 йил 21 майдаги Ўзбекистон ССР Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси (Ўзбекистон ССР Олий Советининг ведомостлари, 1959 йил, Ғ6, 2-модда) қуйидаги мазмунда 191-4-модда билан тўлдирилсин:

«191-4-модда. Ўзбекистон ССР Президенти ёки Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ва Ўзбекистон ССР вице-президентини ошкора ҳақоратлаганлик ёки уларга нисбатан туҳмат қилганлик

Ўзбекистон ССР Президенти ёки Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ва Ўзбекистон ССР вице-президентини ошкора ҳақоратлаганлик ёки уларга нисбатан туҳмат қилганлик —

уч минг сўмгача жарима солиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этиш ёхуд уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Матбуотдан ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилган худди шундай хатти-ҳаракатлар —

икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этиш ёхуд олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади»;

б) 1959 йил 21 майдаги Ўзбекистон ССР Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССР жиноят-процессуал кодексининг 108-моддаси учинчи қисми (Ўзбекистон ССР Олий Советининг ведомостлари, 1959 йил, Ғ6, 3-модда) «191-1» рақамидан кейин «191-4» рақами билан тўлдирилсин.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши навбатдан ташқари IV сессиясининг 1991 йил 15 февралдаги мажлисида қабул қилинган.

ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгашининг V сессиясида В. С. ПАВЛОВ нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

СССР халқ депутатлари тўртинчи съездининг қарорларига ва ССР Иттифоқи билан республикаларнинг нарх белгилаш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш соҳасида умумий сиёсат ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги қатъий келишувга биноан СССР Вазирлар Маҳкамаси тегишли таклифларни тайёрлади ва уларни сизларнинг муҳокамангизга тақдим этади. Бунда гап чакана нархларни аҳолининг иш ҳақи ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиши масалалари билан боғлиқ равишда ислоҳ қилиш ҳақида бормоқда.

Мана шу жуда катта ижтимоий-иқтисодий тадбирларни ўтказиш зарурати нима учун келиб чиққанига яна бир бор тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳозир биз шунчаки чакана нархларни ислоҳ қилиш ҳақида эмас, балки умуман нарх белгилашни кенг миқёсда ислоҳ қилиш ҳақида гапиряпмиз. Аслида халқ хўжалигидаги меҳнатга ҳақ тўлашни ислоҳ қилиш ҳам бошланмоқда. Шу сабабли нарх белгилашни ислоҳ қилиш янги улгуржи ва харид нархларини жорий этишнинггина натижаси, деб ҳисоблаш мутлақо нотўғри бўлур эди. Гап кимдир етарли асосларсиз улгуржи ва харид нархларини ўзгартириб хатога йўл қўйганлиги ҳақида бораётгани йўқ. Агар шундай бўлганида, аслида аҳволни аллақачон ва осонгина тузатиб олиш мумкин бўлур эди. Бундай қарорни бекор қилиш ёки хатога йўл қўйган кишиларни лавозимидан олиб ташлашнинг ўзи кифоя қилар эди. Аммо мана шу тадбирларнинг ўзи Иттифоқ қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи — халқ депутатлари съездининг қарорларини бажариш юзасидан ўтказилган эди.

Ишнинг моҳияти шундаки, шу йилнинг 1 январигача амал қилиб келган улгуржи ва харид нархлари шахтёрлар, металлургглар, темирйўлчилар, деҳқонлар, ишлаб чиқариш соҳаси тармоқлари бошқа вакиллари меҳнатининг ҳақиқий қийматини акс эттирмас эди. Бу нархлар табиий ресурсларнинг қийматини ҳам акс эттирмас эди.

Масала шу тарзда турарди: шу тармоқлар корхоналарининг ишига доимо бюджетдан дотация бераверишнинг тўғрими, ва умуман, мана шундай шароитда биз ишлаб чиқаришни кўпайтира оламиз, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришамиз ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида таназзулдан чиқа биламиз, деб умид қилиш учун асосимиз борми?

Биз бир қанча ўлкалар, вилоятлар, Москва ва Ленинград шаҳарлари раҳбарларининг чакана нархларни ошириш тўғрисидаги масаланинг пайсалга солиниши халқ истеъмоли молларини сотишга тўсқинлик қиляпти, деб Иттифоқ ҳукумати шанига қилган таъналарини ҳам қабул эта олмаймиз.

Мамлакатнинг 1991 йилги бюджетини муҳокама қилиш пайтида СССР молия вазири сифатида менга берилган: 203 миллиард сўм дотация ва нархлардаги тафовут қаёққа кетяпти — деган саволни эслатиб ўтмоқчиман. Менимча бу саволни ўртоқ Лисицкий берган эди. Шунга аниқлик киритмоқчиман, сизлар 1991 йил учун белгилаб берган бюджетда мана шундай дотациялар ҳамда ҳар хил турдаги маҳсулот ва халқ истеъмоли моллари нархларидаги тафовут 229 миллиард сўм миқдорида кўзда тутилган эди. Наҳотки шунча маблағ ҳатто бир ойга ҳам етмаган бўлса — деган савол туғилади. Бу соҳада бошқа сабаблар ҳам таъсир ўтказяпти, деб ўйлайман, бу сабабларга кейинроқ тўхталаман. Бироқ, келинглар, дастлабки энг асосий қоидаларга қайтайлик. Нарх белгилашни ислоҳ қилишга СССР халқ депутатлари съезди ва Олий Кенгаши қабул этган ёндашувларни, баъзи оммавий ахборот воситалари, иқтисодчилар ва депутатлар даъват этаётганидек, тафтиш қилиш керак эмас, бизнинг назаримизда бу ёндашувлар тўғри ва тезроқ рўёбга чиқарилиши лозим.

Шуни айта оламанки, сабаб, чамаси, чакана нархларга дотация бериш учун кўзда тутилган пулларни бир қанча минтақалар ва республикалар бошқа мақсадларга ишлатиб юборганлигидадир. Ҳақиқатан ҳам ҳозир уларнинг маблағи етишмаяпти. Шу сабабли нархларни ошириб, уни аҳолининг айрим табақалари ва тоифалари учун тўлиқсиз, ёки айтайлик, унчалик тўлиқ бўлмаган тарзда қоплаш йўли билан шу етишмовчиликнинг ўрнини тўлдириш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Шундай бир рақамни айтиб ўтмоқчиман. Россия Федерациясида дотация 116 миллиард сўм бўлиши керак эди, РСФСР бюджетида эса 69,7 миллиард сўм қилиб тасдиқланган. Енгил саноатга, озиқ-овқат саноатининг баъзи молларига дотациялар йўқ. Украина эса, масалан, гўшт-сут маҳсулотларига дотацияни 26,7 миллиард сўм ўрнига 20,9 миллиард сўм қилиб белгилаган.

Сирасини айтганда, бугунги муаммонинг сабаби ва ўткирлиги мана шундан иборат, бинобарин, мен бу мунозарани ривожлантирмоқчи эмасман, чунки ислоҳот масаласи пулни ким ва нимага сарфлаганлиги тўғрисидаги гап-сўзлар билан алмаштирилиши мумкин эмаслигига ишончим комил. Шунга биноан СССР ҳукумати иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари билан биргаликда кейинги ой мобайнида чакана нархларни ислоҳ қилиш кўрсаткичларини зўр бериб пишиқ-пухта ишлаб чиқиш ва келишиб олиш билан шуғулланди. Бу масалалар Федерация Кенгашида икки марта кўриб чиқилди. СССР Президенти ҳам, республикаларнинг олий раҳбарлари ҳам истеъмол бозорини барқарорлаштириш, юқори унумли меҳнатга қизиқишни кучайтириш, халқ истеъмоли молларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда чайқовчиликка ва пиҳона иқтисодиётга қарши кураш зарурлигига асосланиб аҳолининг турмуш даражасини белгилайдиган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий молларнинг давлат чакана нархларини оширишнинг бутун мамлакат ҳудуди учун ягона доираларини белгилаш тўғрисида келишиб олдилар. Бунда моллар ва хизматларнинг чакана нархлари ҳамда тарифларини уларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳақиқий қийматини, истеъмол хусусиятларини, талаб ва таклифларнинг нисбатини ҳисобга олиб белгилаш назарда тутилади.

Чакана нархларнинг умумий даражаси тахминан 60 фоиз ортиши назарда тутилмоқда. Шу билан бирга аҳолининг турмуш даражасини белгилайдиган бир қанча халқ истеъмоли моллари учун, бизнинг фикримизча, давлатнинг ўзи **қатъий нархнома асосида нархларни** белгилаши ва бу нархларнинг кўтарилишини назорат қилиб туриши лозим. Шу билан бирга биз миллий, маҳаллий ва ишлаб чиқариш хусусиятларини эътиборга олиб нархларни оширишнинг энг юқори ҳажми Иттифоқ даражасида белгилаб қўйилиши лозимлигига асосланамиз. Республикалар шундай молларнинг нархларини марказ белгилаган даражадан пастроқ қилиб белгилаши мумкинлиги кўзда тутилади. Гап, жумладан, гўшт, сут, тухум, нон, ун, қандшакар, чой, туз, ичкийим, болаларга аталган моллар ҳақида бормоқда. Республикалар ичида юк ва пассажир ташиш тарифлари ҳам шу тоифага киради.

Помидорнинг нархи етиштирилган жойда Қутб доирасидан ташқарида ёки Москвада қанча бўлса, шунча бўлиши; сут товар тарзида ишлаб чиқарилган жойида йирик саноат марказларидаги нархларда сотилиши нотўғри бўлур эди. Яъни молнинг қийматига кирадиган таннарх, транспорт харажатлари ва бошқа чиқимларни ҳисобга олиб, ҳақиқий қиймат тушунчаси ҳар ҳолда тикланиши лозим.

Айни вақтда биз нархларда қишлоқ хўжалигимизнинг товар маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан зарур манфаатдорлигини вужудга келтириш ҳам эътиборга олиниши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бироқ биз ҳар қандай чиқимларга қарамай, дори-дармон ва тиббиёт буюмларининг, кофе, синтетик толадан тўқилган газламалар ва улардан тайёрланган буюмларнинг, синтетик материаллардан тайёрланган пойабзал, мўйна, трикотаж, пайпоқ ва ўйинчоқларнинг, бензин, аҳолига сотиладиган керосин, электр энергия, газ, кўмир, печь ёқилғиси ва ўтиннинг, шунингдек арақнинг амалдаги давлат чакана нархларини **оширмаслик** зарур, деб ҳисоблаймиз.

Агар биз молларнинг мана шу рўйхатини гуруҳлаштириб қўйганимиз сабаби депутатларни қизиқтирадиган бўлса, бу масалага алоҳида тўхталишим мумкин. Шу молларнинг ҳар бирининг ўз хусусиятлари ва сабаблари бор. Бу ерда, бир томондан, юқори даромадли моллар, иккинчи томондан зарар келтирадиган маҳсулотлар ҳам бор. Аҳоли учун ижтимоий аҳамияти нуқтаи назаридан ёндашув ва иқтисодий аҳамияти нуқтаи назаридан ёндашув бор. Шу молларнинг ҳар бири аҳолининг мутлақо муайян гуруҳига мўлжалланган. Агар арақ ҳақида гапирадиган бўлсак, бугун сиз билан биз офат эканлиги ҳақида қанчалик гапирмайлик, барибир воқелигимизда мана шу офат мавжуд ва арақнинг чакана нархни ҳар қандай ошириш оқилона даражадан чиқиб кетади — бу нарса, биринчидан, самогон қилишга мажбур этади ва иккинчидан, бу нарса ҳар ҳолда оилаларнинг бюджетига зарба бўлиб тушади.

(Давоми иккинчи бетда).

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ФОРС КЎРФАЗИДАГИ ҲАРБИЙ МОЖАРО ХУСУСИДА БАРЧА МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПАРЛАМЕНТЛАРИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

СССР Олий Кенгаши Форс кўрфази атрофидаги фожиали воқеалар муносабати билан жиддий ташвишланаётганини изҳор этади. У ерда уруш ёнғини аланга олиб бормоқда. Кун сайин жанговар ҳаракатлар тобора кенгайиб, кўпроқ вайронгарчилик келтирмоқда. Мутлақо бегуноҳ кишилар ҳалок бўлмоқдалар, кўпдан-кўп моддий зиён етказилмоқда. Атроф-муҳит, иқтисодиёт, маданият ёдгорликлари учун фалокатли оқибатлар хавфи яққол кўринib турибди. Оммавий қирғин қуролини ишлатиш эҳтимоли ҳаддан ташқари хавотирликка солмоқда.

СССР Олий Кенгаши ҳисоблайдики, минтақа ва умуман дунё халқлари учун ўнгарилмас оқибатларга олиб борадиган жаҳаннам сари тойиб боришни имкони борича тезроқ тўхтатиш зарур. Тинчлик мантиқи, можароларни бартараф этишнинг зўравонликсиз, сиёсий усуллари устунлиги уруш мантиқидан ғолиб келиши лозим.

Совет парламентининг аъзолари можарони тинч бартараф этиш мумкинлигига, бирдан-бир оқилона йўл мана шу эканлигига ишонадилар. Бунинг учун аввало шу қадар кескин халқаро вазиятни вужудга келтирган асосий сабабни тугатиш, яъни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорларида талаб қилинганидек, Ироқ қўшинларини Қувайтдан дарҳол ва ҳеч сўзсиз олиб чиқиб кетиш, бу мамлакатнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини тиклаш зарур.

СССР Олий Кенгаши совет давлати раҳбариятининг Форс кўрфазидаги можарони ҳал этиш мақсадини кўзлаб сиёсий-дипломатик соҳада фаол сарфлаётган куч-ғайратларини қўллаб-қувватлайди ва бу куч-ғайратларни ошириш, шу тариқа ишни тезроқ урушни тўхтатиш, тинчликни тиклаш сари изчиллик билан олиб бориш зарур, деб ҳисоблайди.

Ҳозирги мушкулотни бартараф этиш Яқин Шарқдаги бошқа кескин муаммоларни, аввало, Араблар билан Исроил ўртасидаги можарони ҳам бартараф этишга, БМТнинг фаол иштирокида Форс кўрфази атрофида, умуман Яқин ва Ўрта Шарқда регионал хавфсизликнинг мустаҳкам тартиботини вужудга келтиришга йўл очади. Дунёдаги барча халқлар, ҳамма мамлакатлар бундан бевосита манфаатдордирлар.

СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Кенгаши мушкулотдан қутулиш йўлини уруш йўлидан эмас, балки сиёсат майдонидан изламоқ керак, деган фикрни неча марталаб қатъий қилиб айтган эдилар. Ҳозир, уруш икки ойдан бери давом этиб, тобора вайронгарчилик тусини олаётган бир пайтда СССР Олий Кенгаши Форс кўрфази атрофидаги урушни дарҳол тўхтатишга интилишга азму қарор берганини яна бир бор тасдиқлайди ва барча парламентларга, қонун чиқарувчиларга, сиёсат ва давлат арбобларига, холис ниятли кишиларга мурожаат этиб, уларни ўз ихтиёрларидаги барча имкониятлардан фойдаланиб, бу ишга иложи борича кўпроқ кўмаклашишга чақиради.

Шу мақсадларга эришишда куч-ғайратларни бирлаштирайлик.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ

Москва, Кремль.
1991 йил 19 февраль.

ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Биз чакана нархлар кўтарилишини чеклаш мақсадида 1991 йилда гўшт, сут, балиқ маҳсулотларига, дориармонларга ва халқ истеъмол қиладиган бошқа баъзи ижтимоий аҳамиятга молик молларга давлат дотацияларини сақлаб қолиш зарур, деб ўйлаймиз. Ҳозир биз харид нархларидан ва муомала харажатларидан ошиб кетадиган даражадаги чакана нархларни белгилашни нотўғри деб ҳисоблаймиз. Гап шундаки, мана шу нархларнинг даражасида кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигимиз ривожланишининг барибир паст сифат даражаси асорати мавжуд. Бунинг устига, ҳали ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулоти кўплаб нобуд бўлмоқда ва бу нобудгарчиликларни оширилган чакана нархлар белгилаш орқали аҳолининг гарданига юклаш нотўғридир. Шу сабабли бизнинг фикримизча, 1991 йилда гарчи озиқ-овқат ишлаб чиқилган нархларга биноан зарар кўрмайдиган тарзда сотилса ҳам, ҳамма дотацияларни тугатиш керак эмас. Зарар кўрмай сотиладиган маҳсулотларга ҳам дотация сақланиб қолаверади. Аммо бу дотациялар тахминан уч баравар камайтирилади.

Шартномавий (эркин) ва бошқариладиган чакана нархлар билан аҳолига сотиладиган моллар туркумини кенгайтириш кўзда тутилади. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, шу молларнинг рўйхатига биноан товар оборотининг умумий ҳажмидаги салмоғига қараб молларнинг тахминан 30 фоизи шундай нархлар билан сотиладиган бўлади. Масалан, шундай нархлар билан табиий газламалар, табиий толадан ишлаб чиқарилган янги, модали маҳсулотлар, катта ёшдагилар учун чарм пойабзал, модали ва юқори сифатли спорт пойабзали, гилам ва гилам буюмлар, соатлар, баъзи маркалардаги холодильниклар, кир ювиш ва тикув машиналари, электр ва радио ўлчов асбоблари; хомлигида дудланган колбаса, қандолатчилик маҳсулотлари, тирик балиқ, чет эллардан келтирилган тамаки маҳсулотлари сотиладиган бўлади. Биз иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари бу рўйхатни тўлдиришлари ва унга аниқлик киритишлари мумкинлигига асосландик.

Ўйлаймизки, чакана нархларни ислоҳ қилиш юзасидан таклиф этилаётган чоратадбирлар ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва қучайтириш билан бирга қўшилиб истеъмол бозоридаги аҳволни нормаллаштириш имконини беради.

Ҳозир бир қанча минтақаларда омборларда моллар бўла туриб, корхоналарнинг рентабелли ишлашига имкон берадиган чакана нархлар ҳали қўйилгани йўқ, деган баҳона билан савдога чиқарилмаётган ҳоллар кўплаб учраётгани ҳақида гапирмоқдалар. Бунда маданий-маиший ва хўжалик маҳсулотлари кўзда тутилади. Очиғини айтишим керак, бу гап ҳам, юмшоқ қилиб айтганда, аниқ эмас, чунки ўтган йилнинг охирида СССР Давлат нарх комитети саноат корхоналарига чакана нархлар улгуржи нархлардан паст бўлган ҳолларда ўз маҳсулотини мана шу янги улгуржи нархларга 20 фоиз қўшимча билан сотиш ҳуқуқини берган. Кўпчилик маҳаллий идоралар бу қарорни ижро учун қабул этмаганликларини таъкидлаб ўтишим керак. Натижада маданий-маиший ва хўжалик молларини сотиш соҳасида сунъий равишда мушкул вазият вужудга келиб қолди.

Депутат ўртоқлар, сизларга шуни маълум қилишни принципиал жиҳатдан муҳим деб ҳисоблайман: сизларнинг қарорларингизга мувофиқ ҳозирги босқичда чакана нархлар ва тарифларни ислоҳ қилиш аввало **иш ҳақи ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш** муаммоси билан, компенсация тадбирларини эҳтиёт чораси сифатида ўтказиш масаласи билан боғланган эди.

Ҳар бир киши ўзига қанча тўлашингизни, яхшироғи у қўлига қанча пул олишини олдиндан билмас экан, компенсацияга ҳеч ким ишонмайди, деб аниқ-равшан айтаётган кишиларнинг гапи ҳозир мутлақо тўғри, деб ўйлаймиз. Шунга биноан биз ўз ишимизга ёндашувда чакана нархларнинг ошиши муносабати билан келиб чиқадиган қўшимча харажатлар эвазига аҳолига тўланадиган компенсацияни қуйидаги асосий **қоидаларга** биноан ўтказиш лозим, деган фикрга амал қилдик. Моллар қимматлашганлиги эвазига аҳолига тўла компенсация асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий моллар — ич кийим, газлама, кийим-кечак ва пойабзалнинг оммавий турлари, шахсий гигиена буюмлари, тамаки, қурилиш материаллари, мебель, гулқоғоз, идиш-товоқ, рўзғор химияси моллари, бошқа баъзи моллар учун, шунингдек, пассажир ташиш тарифлари учун берилади.

Болалар буюмлари учун ҳам моллар тўла компенсация қилиниб, тегишли маблағ балоғатга етмаган фарзандлари бўлган оилаларнинг ўзига берилади.

Бюджет ва бошқа манбалар ҳисобидан компенсация тўловлари ҳажмини аҳолининг ижтимоий-нуфус гуруҳлари бўйича **табақалаштириб** белгилаганда ижтимоий жиҳатдан ночор табақаларни, аввало болаларни, ўқувчи-ёшларни, ногиронлар, пенсионерлар, ёшларни, тўлиқсиз ва кўп болали оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга устунлик берилади.

Бундан ташқари, ишловчиларнинг меҳнат ҳақини ошириб айни вақтда корхоналар, колхозларнинг фойдасига ва фуқароларнинг даромадларига солинадиган солиқни камайтириш мўлжалланмоқда. Корхоналаримиз нарх ва тарифларнинг ошишидан оладиган маблағнинг бир қисмини таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, маданият соҳасидаги ва ҳужжатхона муассасаларидаги етакчи касблар ходимларининг иш ҳақи даражасини қўшимча равишда оширишга аниқ-равшан сарфлаш кўзда тутилмоқда.

Ўқувчи-ёшларнинг амалдаги стипендияларини ошириш ва янги стипендиялар жорий қилиш мўлжалланмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг пул билан оладиган маоши, озиқ-овқат, буюм ва бошқа моддий таъминот ашёлари миқдори кўпайтирилади. Ҳамма турдаги пенсиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларнинг миқдори оширилади, шунингдек СССР ижтимоий суғурта жамғармаси ва СССР нафақа жамғарма маблағлари ҳисобидан давлатнинг моддий мададидан фойдаланувчи шахслар доираси кенгайтирилади. Касалхоналарда, интернатларда, мактабларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, мактабгача тарбия муассасаларида ва ижтимоий соҳанинг бошқа муассасаларида ижтимоий хизмат харажатлари оширилади.

Биз аҳолининг кам даромадли табақаларига пул компенсацияси маҳаллий идоралар томонидан кўрсатилаётган ҳар хил ижтимоий ва аввало натура тарзидаги ёрдам билан тўлдирилишига асосланамиз.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг давлат чакана нархларини минтақалар бўйича табақалаштиришни бекор қилиш ҳамда компенсация тўловлари миқдорини амалдаги район коэффициентларини ҳисобга олиб иш ҳақига нисбатан белгилаш режалаштирилмоқда. Шу тариқа биз мамлакатнинг жуда оғир шароитли Шимолий районларида меҳнат қилаётган кишиларни унутмаймиз.

Иқтисодиётдаги ҳозирги аҳвол бекарорлигини ҳисобга олиб компенсация миқдори Иттифоқ билан республикалар ўртасидаги келишувга биноан аҳолининг 1990 йил давлат ресурсларидан амалда товарлар ва хизматларга бўлган талаби асосида белгиланиши лозим. Бугунги кунда истеъмол жиҳатидан 1990 йилги даражани сақлаб туришга ҳозирча эришмаганлигимизни атайлаб таъкидламоқчиман. Талабалар ва ўқувчиларга, пенсионерларга; болаларга, махсус пенсия ва нафақалар олаётган бошқа кишиларга дастлабки компенсация тўловлари истеъмол моллари ва хизматларга янги нархлар жорий этиладиган муддатгача олдиндан тўланади. Бунда компенсация тўловларининг аниқ миқдори ва тартиби жойлардаги шарт-шароит ва истеъмол таркиби ҳисобга олиниб, республика идоралари томонидан аҳоли тегишли гуруҳлари даромадларининг кафолатланган миқдорлари сифатида умумиттифоқ даражасида қабул қилинганидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Давлат корхоналарида, ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётганларга энг кам миқдордаги кафолатланган даромадлар тариф ставкалари ва мансаб маошларини қайтиб кўриб чиқиш йўли билан таъминланиши керак. Бунда меҳнаткашларга кундалик харид моллари ва хизматларнинг барча қиймматлашуви ана шу корхоналар имкониятларини ҳисобга олиб, биз келишиб оладиган энг кам миқдорда қопланади.

Ставка ва маошлар корхона маъмурияти касаба уюшмалари билан келишиб, Иттифоқ ҳукумати ва жумҳуриятлар ҳукуматлари белгилаган умумий қоидалар асосида, бироқ 60 сўмдан кам бўлмаган миқдорда оширилади.

Биз бир қанча ҳолларда корхоналар тариф ставкалари ва мансаб маошларини ҳисоблаб чиқишга улгурмасликлари мумкинлигини ҳам ҳисобга оламиз. Шунинг учун олдиндан компенсация тўланишини таъминлаш мақсадида дастлабки тўловларни алоҳида ведомость асосида иш ҳақига махсус қўшимчалар тарзида мутлақ миқдорда тўланиши ҳамда ана шу миқдор кейинчалик ставкалар ва маошларга қўшиб қўйилиши керак.

Ушбу қоидаларни кооператив ва жамоа хўжаликларида ҳам қўлланиш учун тавсия этиш мумкин бўлур эди.

Корхоналар ана шундай ёндашув асосида ставкалар ва маошларни оширгач, кейинчалик ишчи ва хизматчиларнинг оширилган тариф ставкалари ва мансаб маошларини мустақил равишда белгилашлари (бунда ходимлар тойифалари орасида ставкалар ва маошлар миқдоридаги амалдаги нисбат сақланиб қолади), шунингдек, устама ҳақ, қўшимча тўловлар, мукофотлар ва кўп йил ишлаганлиги учун бир йўла бериладиган мукофотларни ҳисобга олиб, рағбатлантирувчи тусдаги бошқа тўловларни ҳам аниқлашлари мумкин. Бунда ставкалар ва маошларнинг, шунингдек ходимларнинг тегишли касб-малакадаги гуруҳлари учун устама ҳақ, қўшимча тўловлар ва мукофотларнинг аниқ миқдори корхоналарда жамоа шартномалари ва тариф битимларининг шартлари асосида белгиланади. Корхоналарнинг ана шу ҳуқуқлари СССРда Корхоналар тўғрисидаги, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлардан олинадиган солиқлар ҳақидаги ва 1991 йилги Иттифоқ бюджети тўғрисидаги СССР Қонунларига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобига рўёбга чиқарилади. Шу муносабат билан 1991 йилги истеъмол фондини ташкил этиш учун қабул қилинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш базавий фондини ошириш керак бўлади. Ҳисоб-китобларимизга кўра, ана шу фондни тахминан 450—480 сўм даражасида белгилаш зарур.

Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз ҳуқуқларини устама ҳақ, қўшимча тўловлар, мукофотлар ва рағбатлантиришнинг бошқа турларига тааллуқли қисмда ана шу мақсадлар учун уларга ажратиладиган маблағ доирасида мустақил равишда амалга оширадилар. Ставкалар ва маошлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, улар ана шу корхоналар, ташкилотлар, муассасаларни маблағ билан таъминлаб турадиган тегишли идоралар билан келишган ҳолда оширилади.

Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, маданият муассасалари ва архивлар ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда таркиб топган қолоқликни бартараф этиб, нархнаво ва тарифлар оширилишидан тушадиган маблағларнинг бир қисмини ана шу тармоқлардаги етакчи касблар ходимлари иш ҳақини оширишга сарфлаш зарур. Ана шу тоифадаги ходимларнинг тариф ставкалари ва маошларини Иттифоқ ҳукумати белгилаганига нисбатан ўрта ҳисобда тахминан 60-80 фоиз ошириб, уларнинг янги миқдорини тасдиқлаш керак бўлади. Бу эса, бир томондан, уларнинг иш ҳақи даражасини ишлаб чиқариш тармоқлари ходимлари иш ҳақи даражасига яқинлаштириш ва шу билан бирга турли минтақаларда меҳнатга ҳақ тўлашдаги ёндашувларни бараварлаштириш имконини беради.

Сизлар учун шу нарса сир эмаски, бугунги кунда мамлакатимизнинг турли жойларида ўқитувчининг ҳам, врачнинг ҳам меҳнатига турлича ҳақ тўлаш ҳоллари пайдо бўлди. Чунки айрим минтақалар иш ҳақини ошириш учун қандайдир қўшимча ресурслари топдилар, баъзи жойларда ходимлар иш ташлашди, бошқа жойларда ишлашди, натижада хилма-хиллик пайдо бўлди. Ушбу соҳада баравар меҳнат учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона умудавлат қоидаси сақлаб қолиниши зарур, деб ўйлаймиз.

Биз республикалар нархнаво ошиши муносабати билан аҳоли даромадлари кафолатларининг зарур миқдорини ҳисобга олиб, баланд тоғли, дашт, сувсиз жойларда ишлаганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш ҳамда мамлакатнинг Шимолий ва Шарқий минтақаларида узлуксиз меҳнат стажи учун иш ҳақига қўшимчалар тўлаш мақсадида ҳозирги пайтда амал қилаётган иш ҳақининг 300 сўмдан иборат энг кўп миқдорини оширадилар, деб мўлжаллаяпмиз. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган энг катта гуруҳларидан бири — болали оилаларга ёрдам бериш масаласини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Ана шу оилаларнинг турмуш даражасини сақлаб қолиш мақсадида ижтимоий нафақалар миқдорини тахминан 60—80 фоиз ошириш ва ҳозирги вақтда махсус компенсациялар ёки нафақалар олмаётган 16 ёшгача бўлган болаларга, агар бола ўқиса ёки стипендия олмаётган бўлса, 18 ёшгача уларга шундай нафақалар ёки компенсациялар жорий этиш зарур.

Энг кам иш ҳақининг янги даражаси тасдиқлангунга қадар ҳозирги вақтда бола туғилганда 250 сўм ва ҳар ойда 110 сўм миқдорида оилаларга берилаётган нафақаларнинг энг кам миқдорларига давлат кафолатини жорий этиш керак. Болани парвариш қилганлик учун оналарга бериладиган нафақани, шунингдек, муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг болалари учун, васийликда бўлган болалар, бемор болалар учун, ёлғиз оналар учун тўланадиган нафақаларни ошириш, яъни болали оилаларнинг моддий аҳволи барқарорлигини оширишнинг кенг кўламли дастурини рўёбга чиқариш даркор.

Ҳозир бутун дастур тўғрисида батафсил гапиришнинг зарурати йўқ. Биз онгли равишда ана шу оилалар манфаатини кўзлаб муайян тарзда қайта тақсимлаш йўлидан бораётганлигимизни таъкидлашни истардим. Ўқувчи ёшлар ҳам шу соҳага киради. Бизнингча олий ўқув юртларининг талабаларига 120 сўм, техникумларнинг ўқувчиларига 100 сўм, ҳунартехника билим юртларининг ўқувчиларига 80 сўм стипендия белгилаш зарур.

Пенсионерлар, ногиронлар ва боқувчисидан маҳрум бўлган оилалар муаммосини алоҳида ажратиб кўрсатмоқчиман. Бу борада ҳам тегишли компенсация тўлаш дастури зарур.

Ҳарбий хизматчиларга келганда, офицерлар составидаги кишилар, прапорщиклар, мичманлар, муддатидан ташқари хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг мансаб маошларини 80 сўм, оддий аскарлар ҳамда ички ишлар органларининг раҳбарлари мансаб маошларини 60 сўм кўпайтириш мўлжалланмоқда. Муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари, суворовчилар, нахимовчилар, музика билим юртларининг тарбияланувчилари ва курсантлар маоши ойига 20 сўм, ҳарбий ўқув юртларининг ҳозирча офицер унвони бўлмаган тингловчиларининг маоши ойига 60 сўм оширилади. Бундан ташқари ҳарбий хизматчиларни озиқ-овқат, кийим-кечак, тиббий ва моддий жиҳатдан таъминлашнинг бошқа турлари учун харажатларни ҳам тегишли даражада ошириш керак.

Олис гарнизонларда ва жойлардаги ички ишлар органлари ҳарбий хизматчилари, оддий ва раҳбар составининг ишламаётган хотинларига (ишга жойлашиш имконияти бўлмаган жойларда) 60 сўм миқдорида компенсация тўлашни жорий этиш лозим бўлади. Бундай жойлар рўйхати СССР Мудофаа вазирлиги, СССР Давлат хавфсизлиги комитети ва СССР Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланиши керак. Ана шу идоралар ҳарбий хизматчилари бўлган пенсионерларнинг ҳам пенсияларини ошириш даркор.

Мамлакат илк бор ишсизлик муаммосига дуч келди. Ушбу муаммони ҳар томонлама кўриб чиқиб, ана шундай кишилар қайта ўқитиладиган даврда қонунда белгиланган тартибда ишсиз деб топилган кишиларга ойига 50 сўм миқдорида компенсация тўлашни жорий этиш тўғрисида ўйлаяпмиз.

Ана шу 50 сўм ишсизлик нафақасига қўшимча равишда тўланиши керак.

Бошқа хил компенсация тўловлари тўлаш учун кўзда тутилаётган бир қанча тадбирлар бор, жумладан, корхоналар даромадидан олинадиган солиқ ставкасини 35 фоизгача камайтириш, солиқ солинмайдиган иш ҳақининг энг кам миқдорини 160 сўмгача ошириш ва фуқароларнинг ойига 160 сўмдан ошадиган даромадларидан олинадиган даромад солиғи ставкасини тегишли тарзда камайтириш лозим.

Жуда кўп мунозарага сабаб бўлган энг катта муаммо — фуқаролар жамғармаларини муҳофаза қилишдир. Ҳар қандай ҳолларда омонат ва сертификат эгаларига уларнинг омонатларини қайта ҳисоблаб чиқиш йўли билан компенсация тўланиши керак. Бу масалани СССР Давлат банки ва СССР Жамғарма банки СССР Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда махсус кўриб чиқади ва бу масала ҳал этилади.

Биз энг муҳим масалаларни келишиб олдик. Махсус ишлаб чиқиладиган шкала (ёки бир қанча шкала) асосида омонатлар фоизларини ҳисобга олиш ва қайта ҳисоблаб аҳоли жамғармаларига компенсация тўлаш таъминланади.

Бугунги кунда аҳвол икки хил эканлигини айтиш лозим. Республикаларнинг кўпчилиги янги нархлар даражасига рози эканликларини тасдиқлади ва бу хусусда келишмовчилик йўқ деб айтиш мумкин.

Компенсация масаласи хусусида гапирадиган бўлсак, ҳозирги кунда бу масала энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Бунда икки хил нуқтаи назар мутлақо ошкора тўқнашди. Биз компенсация масалалари нарх-наво масалалари сингари Умумиттифоқ бозорига бир хил ёндашув қоидаси асосида ҳал этилиши керак, деб ўйлардик. Чакана нархлар (меҳнат қийматига баҳо беришнинг асосий мезонларидан бири)га бир хил ёндашилаётган пайтда, агар меҳнатга ҳақ тўлаш меҳнат ҳажми ва сифатига мувофиқ турли ҳудудларда турлича ҳал этиладиган бўлса, ягона иқтисодий макон бўлиши мумкин эмас. Бундай бўлмайди. Нарх-наво тўғрисидаги ва компенсация тўғрисидаги қарорлар СССР Конституциясига асосланган даражада қабул қилиниши керак, деб ҳисоблаймиз. СССР Конституциясида ССР Иттифоқи фуқароларининг меҳнат қилишга, унга адолатли тарзда ҳақ тўланишига ва ижтимоий ҳимояланишига бўлган тенг ҳуқуқлари қайд этилган. Нарх белгилаш, аҳолининг ҳимояланиш даражасини аниқлаш чоғида ана шундай ёндашувлар асос қилиб олинган.

Лекин бу ерда, илгари айтганимдек, биз турлича ёндашувларга дуч келдик. Бир қанча жумҳуриятлар — Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия чакана нархларни ошириш тўғрисидаги масалани ҳал этишни СССР ҳукумати ўз зиммасига олишини, компенсация масаласини эса жумҳуриятларга қолдиришни таклиф этдилар. Иттифоқ ҳукумати бунга рози бўлолмайди. Чунки бу минтақаларимизнинг ривожланиш даражасидаги тафовутлар билан боғлиқ. Нарх белгилаш принциплари ҳамда чакана нархлар даражаси ўзгарганида пировард маҳсулот (энг аввало халқ истеъмоли моллари) ишлаб чиқаришдаги улуши жуда катта бўлган иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳудудларида даромад олинади. Бундай жумҳуриятлар учун хом ашё етказиб бераётган жумҳуриятлар бор-ку, улар ўз аҳолисига компенсация тўлаш манбаига эга бўлмай қоладилар. Шу маънода жумҳуриятлар гўё икки «лагер»га бўлиниб қоладилар. Баъзи жумҳуриятлар ўзларини эҳтиёт қилиш, янада кўпроқ ҳимоя воситаларига эга бўлиш учун қўшимча маблағни қўлга киритадилар. Бошқа жумҳуриятлар эса — хоҳлайдиларми ёки хоҳламайдиларми — хом ашё нархини ошириш йўлига (яна нархлар пойгасини бошлашга) ўтиб олишлари керак бўлади ёки бу ҳолда марказ деганда Иттифоқ ҳукуматини тушуниб, марказдан компенсация сўрайдилар.

Бугунги кунда ягона давлат бюджетимиз йўқлиги, даромадлар эса Иттифоқ билан жумҳуриятлар ўртасида қатъий тақсимланганлиги сабабли аввалдан шуни айтиш мумкинки, Иттифоқ ҳукумати бу жумҳуриятларга етарли даражада ёрдам бера олмайди. Демак бу ерда гап иккинчи йўл ҳақида — яъни халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан «юқ жўнатувчи» ҳисобланган жумҳуриятлар, агар хоҳласалар бундай ёрдам беришлари мумкинлиги тўғрисида бормоқда. Бу эса, ўз-ўзидан Иттифоқ ҳукуматининг ваколатлари амалда айрим жумҳуриятлар даражасига ўтиб қолишини билдиради. Иттифоқ ҳукумати ўз фикрида қолади: ҳам нархлар, ҳам компенсация борасидаги қарорлар ижтимоий жиҳатдан энг кам ҳимоя қилиш даражасида марказда, Умумиттифоқ миқёсида қабул қилиниши керак.

Мен эътиборингизни қаратмоқчи бўлган иккинчи жиҳат шундан иборатки, биз Иттифоқ билан жумҳуриятлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласини ҳам нарх белгилаш ислоҳоти ўтказилаётганида ҳал қилиниши зарур, деб ҳисоблаймиз; чунки айрим минтақалар чакана нархлар ислоҳоти натижасида оладиган қўшимча даромадларни улар ўртасида у ёки бу усулда тақсимлашга тўғри келади. Бу ерда гап ислоҳотни рўёбга чиқаришга доир ўзига хос Иттифоқ-жумҳурият жамғармасини тузиш ҳақида кетаётганлигини айтган бўлур эдим, зотан ресурсларни қайта тақсимлаш муаммоси Иттифоқ-жумҳуриятлар даражасида жумҳуриятлар ўртасидаги ўзаро муносабатларгагина эмас, айни вақтда жумҳуриятларнинг ўзига ҳам тааллуқлидир.

Агар Россия Федерациясини мисол тариқасида оладиган бўлсак, у ҳолда ташиб кетиладиган асосий моллари олтин ва олмос бўлган, халқ истеъмоли молларининг 90 фоизи бошқа минтақалардан келтириладиган Ёқутистон чакана нархлар оширилганида ёки Иттифоқ ҳукуматидан ёки Россия Федерацияси ҳукуматидан бевосита компенсация дотациясини олиши кераклиги мутлақо равшан, акс ҳолда жумҳурият аҳолиси нарх-навонинг бундай кўтарилишига дош беролмайди.

Яна бир муҳим масала устида тўхталиб ўтишни хоҳлардим. Кўп депутатлар муайян босқичда энг кам компенсация миқдори 40 сўм даражасида бўлади, дейилганини эшитганлар. Гап шундаки, жумҳуриятлар билан иш бошлаган вақтимизда биз қайд этилган давлат чакана нархлари оширилганининг компенсацияси йўлидан боргандик. Якун чиқарилганида ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, давлат чакана нархлари кўтарилиши билан бир вақтнинг ўзида табиийки товарларнинг барча нархлари ҳам ошади, давлат эса бу нархларни бошқариладиган ёки эркин нархлар тоифасига ўтказади.

Бу ўринда бизга ҳеч қандай далил-исбот талаб этилмади, бироқ ҳисоб-китоблар қилинганида нарх-наво оширилиши умумий ҳажмининг тахминан учдан бир қисми эркин (шартномавий) нархлар тоифасига тўғри келиши маълум бўлиб қолди. Эркин нархлар оширилиши билан бериладиган компенсацияни индексация босқичигача кечиктириш нотўғри эканлиги равшан бўлиб қолди, чунки сон сифатга айланади. Ўлкалар, вилоятлар ва қатто корхоналардаги ўз қарорларимиз билан нархларни эркин қилиш орқали нархнаво ошишининг табиий жараёнини ҳам эътироф этишга тўғри келди. Шу сабабли бу ҳолда давлат чакана нархларининг ўзгариш қийматинигина компенсация киритиш билан бир вақтда биз нархлари қатъий белгиланишидан бош тортаётган молларнинг нархи аввал мўлжалланганидек ошиб кетишини ҳам ҳисобга олиш зарурга ўхшайди. Бундай ёндашувда ишлаётганлар учун энг кам компенсация беришнинг моҳиятан янги даражаси юзага келади — энди 40 сўм эмас, балки 60 сўм тўланадиган бўлади. Мана шу янги даражага айрим жумҳуриятлар томонидан эътироз билдирилди. Шуни ҳам таъкидлашим керакки, бугунги кунга келиб Россия Федерациясидан ташқари, кўпчилик жумҳуриятлар бунга эътироз билдиришаяпти.

Республикалар Иттифоқ ҳукумати белгилайдиган даражада компенсация тўлаш учун ўзимизда маблағ бўлмайди, деб ҳисоблар эдилар. Олий Кенгашга шуни маълум қилишим керакки, бизнинг ҳамма ҳисоб-китобларимиз биз чакана нархлар оширилишининг 85 фоизини компенсация тўлаш тартибида қоплашимизга асосланди.

Нима учун 85 фоиз? Биринчидан, нархи ошириладиган ҳамма молларга компенсация тўлаш керак, деб ҳисобламаймиз. Улардан баъзиларини мен бугун айтиб ўтдим. Иккинчидан, бу ерда 1990 йилги истеъмол даражасига доир ҳисоб-китобларни ҳам эътиборга олиш керак: биз амалда натура тарзидаги маҳсулот ҳажми бўйича 95 фоиз бўлган даражадамиз.

Биз, бир томондан, моллар таркибий қисмидаги ҳисоб-китоблар (ишлаб чиқариш ва импорт нуқтаи-назаридан) бўйича ҳудудий жойлашув жиҳатидан юз бериши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш учун муайян резерв зарур, деган хулосага келдик. Шунингдек чакана нархлар оширилишининг қайсидир қисми аслида бозорни барқарорлаштириш омили сифатида намоён бўлиши керак, деб ўйладик.

Яъни ўйлаган фикримизнинг мазмуни шундан иборатки, биз бозорга ўтишнинг зарур омили сифатида нарх белгилашни ислоҳ қилишдан чакана нархларни маъмурий ислоҳ қилишга ўтиб кетмаслигимиз керак.

Шу тарққа, чакана нархларни ошириш қийматидан компенсация тўлашнинг 85 фоизи, жумладан уларни эркин қилиш — энг мақбул миқдордир. Нарх белгилаш ислоҳоти ўтказилгандан кейин биз аста-секин улгуржи нархларни ҳам, чакана нархларни ҳам янада **мувофиқлаштириш** йўлидан бораверамиз. Бунда индекслаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш зарур. Чунки нарх-навонинг янада кўтарилиб кетиши эҳтимоли истисно этилмаган.

СССР халқ депутатлари тўртинчи съездининг қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган энг кам истеъмол бюджетини шакллантиришнинг умумий қоидалари тўғрисидаги Фармон лойиҳаси СССР Президенти кўриб чиқиши учун тақдим этилди. Ёдингизда бўлса керак, съездда энг кам истеъмол бюджети нормативлар асосида шакллантирилиши ва фуқароларнинг яшаш минимумини белгилаб бериши кераклиги тўғрисида гапирилган эди.

Аминманки, бозор муносабатларига ўтиш дастурини рўёбга чиқариш чоғида биз нарх белгилаш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва мамлакатнинг бутун ҳудудида фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиши қоидалари бирлигига риоя этишга интиламиз. Бу — ягона иқтисодий маконни, ягона давлатни сақлаб қолишнинг мажбурий шартидир.

Ислоҳот ўтказишга оид таклифларимизни қўллаб-қувватлашни сўраймиз.

ЯНГИ КОНЦЕРН НИМА БИЛАН БОҚАДИ?

«Узпишчепром» — озиқ-овқат саноати Ўзбекистон давлат концерни ташкил этилди. Тошкентда шу концерн таркибига кирган корхоналар вакилларининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари концерн ташкил этиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар, унинг раҳбар органларини туздилар. Илгари «Узпишчепром» бирлашмасига раҳбарлик қилган Б. К. Қосимхўжаев концерн бошқарувининг раиси этиб сайланди.

Концерн ташкил этилиши аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ишига қандай таъсир қилишини вақт кўрсатади. Нима бўлганда ҳам, келажак режалари яхши таассурот қолдирмоқда.

Таъсис мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

СЎЗИМИЗ ҲАҚҚОНИЙ,

Журналистлар қурултойидан кейинги ўйлар

СССР Журналистларининг VII қурултойида жумҳуриятимиздан 40 вакил қатнашди. Иттифоқ миқёсидаги бундай анжуманда биринчи бор иштирок этишим эди. Назаримда, кечагина бўлиб ўтган Ўзбекистон журналистларининг VIII қурултойи нақ Москвада давом этаётгандай бўлди. Дарҳақиқат, журналист қаерда яшаб, ижод этмасин, унинг дарди ҳам, фикр-ўйи ҳам, интилиши ҳам, муаммоси ва уни бартараф этишга муносабати ҳам бир хил экан.

УЧ КУН давомида минбарга юзга яқин маърузачи чиққан бўлса уларнинг аксарияти журналистларнинг ижтимоий ҳимояланиши масаласига тўхталдилар. Бу муаммо мухбирлар ҳаётининг, ижодий фаолиятининг энг оғриқ нуқталарига айлангани, бундан улар у ёки бу даражада зарба еяётганлари сезилиб турарди. Украиналик журналист Харченконинг сўзларини киприк қоқмай эшитдик. У танқид учун таъқибга учрагани, узоқ вақтдан буён ишсиз экани, адолат излаб мурожаат этмаган ташкилоти қолмагани, аммо бундан наф кўрмаётгани ҳақида куйиниб гапирди. Унинг қисмати эртага ҳар бир қаламкашнинг бошига тушиши ҳеч гап эмас. Аслида қалам соҳиблари орасида бундай таҳқирланишни бошдан кечирганлар, калтаклангандар, ўққа учганлар, йўқ эмас.

Ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, танқид учун таъқиб каби давр жароҳатлари чекингани йўқ, аксинча газак оляпти. Афсусланарли жойи шундаки, бундай иллатларга қарши курашиш учун кўпчиликда журъат етишмаётган бир пайтда, дадил ҳаракат қилаётган журналистлар ҳам тузук ҳимоя этилмаяпти. Шу боисдан ҳам айрим журналистлар ўткир муаммоларни кўтариш ва ёзишдан зада бўлиб қолишяпти. Матбуотда танқидий мақолалар, айниқса, фельетонлар тобора камайиб кетяпти.

Съезд минбаридан журналистлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи комитет тузишга даъват янграганда делегатларнинг буни бир овоздан қўллаб-қувватлаганликлари бежиз эмасди. Бунинг замирида журналистни ўқ еганидан ёки ҳаётдан кўз юмгандан, адолатсизликдан, дардга чалингандан кейин эмас, вақтида ҳимоя қилишга ошиқиш керак, деган чақириқ яққол сезилиб турарди.

Танаффуслар, кечки дам олиш пайтлари Иттифоқимизнинг турли вилоятларидан, ноҳияларидан келган ҳар хил миллат ва элатлар вакилларининг дўстона мулоқотларига имконият берди. Ҳар қайсимизнинг фикр-зикримиз қандай қилсак нашрларнинг ўқувчилари кўпайиб боради, деган умумий ниятга қаратилган эди.

СЪЕЗДНИНГ иккинчи куни ҳеч қачон хотирамдан чиқмаса керак. Анжуман ўтказиладиган кошонада делегатларни мотамсаро аскар оналари кутиб олдилар. Бу бағри кемтик оналарнинг журналистлардан бирдан-бир илтижолари — фарзандларининг қотилларини топишда ёрдамлашишни сўраш эди. Шунда биз, мухбирлар жамиятда жуда катта куч эканимиз, одамларга жуда-жуда керак-лигимиздан ички бир ғурурга тўлдик. Танаффус пайти аскар оналари билан матбуот конференцияси ўтказилди. Фойе атрофига ўн гулидан бир гули очилмай ҳаётдан кўз юмган навқирон йигитларнинг расмлари қўйилган. Улар олдида эса қора кийган оналар бош эгиб туришарди...

Аскар оналари атрофига тобора одам тўпланар, улар эса фарзандлари ҳаётидан сўзлаб-бўзлаб хорималарди...

Навбатдаги учрашувга шошаман. Съезд делегати, Озарбайжон журналистлари радиоси адабий-драматик эшиттиришлар бош муҳаррири Маилэхоним Муродхановадан кечиккаким учун узр сўрайман.

— Ҳаяллаганингиз яхши бўлди. Йўқса, мени кутиб қолардингиз, — дейди у ғамгин. — Марказий телевидение ходими мендан интервью оламан, деб таъбимни хира қилди.

— Ойнаи жаҳонда кўриниш наҳотки таъбингизни хира қилса?!

— Хоҳламаган ишингга мажбур қилишгандан кейин... Мен куни кеча ўз хизмат вазифасини бажариб турган бир пайтда Қорабоғда ҳалок бўлган, ҳали қабрининг тупроғи совумаган ҳамкасбим, «Молодежь Азарбайджана» рўзномасининг мухбири Салатин Азиз қизи Аскерева ҳақида гапирмоқчиману оператор пардоз қилиб олмайсизми дейдия-... Юзимга упа қўйиб, лабимга қизил суртаймми?! Ахир мен мотам либосидаман-ку! Қандоқ б

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1991 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар оладиган фойдага солинадиган солиқдан 23 фоиз миқдоридаги ажратмалардан, маҳаллий хўжалик корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотлари бўйича эса солиқ солинадиган фойданинг 45 фоизи миқдоридаги ажратмалар. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси чакана нархларни ислоҳ қилиш кўзда тутилаётгани муносабати билан ишлаб чиқилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш механизмини ҳисобга олган ҳолда фойдага солинадиган солиқдан ажратмалар миқдорига ўзгартишлар киритсин;

кооператив (жамоа хўжаликлари ҳам шунга киради) ва жамоат ташкилотларининг даромадлари (фойдалари)га солинадиган солиқлардан ажратмалар;

аҳолидан олинадиган давлат солиқларидан ажратмалар;

1982 йилда чиқарилган ички ютуқли давлат заёмларини сотишдан ажратмалар;

нарх-навонинг ошиши муносабати билан баҳоларни қайта кўриб чиқишдан олинадиган даромадлар;

транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ;

маҳсулот, молларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг 5 фоизи миқдорида олинадиган солиқ;

реновация учун кўзда тутилган 20 фоиз миқдоридаги амортизация ажратмалари;

саноат корхоналаридан ундириладиган сув учун тўлов;

давлат мулкини ижарага олувчи корхоналардан ижара ҳақи, амортизация ажратмалари бу ҳисобга кирмайди;

Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган корхона, бирлашма, ташкилотлар фаолиятидан тушадиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан ҳамда бошқа носолиқ тушумлардан;

корхоналарнинг меҳнат ҳақи фондидан 11 фоиз миқдорида ажратмалар;

ер солиғи;

пул-буюм лотереяларидан тушумлар;

жумҳуриятга унинг ҳудудидан ташқарида ҳом ашё ресурсларидан ҳосил қилинадиган соф даромаднинг бир қисмини қайтариш.

3-модда. Қорақалпоғистон АССР бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратмалар нормативлари (фоизларда) Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги томонидан белгиланади ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаганидан сўнг Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроқўмлари ва Тошкент шаҳар ижроқўмига етказилади.

4-модда. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон ССР ҳудудида истиқомат қилувчи СССР фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи улар жойлашган ердаги корхона, бирлашма ва ташкилотлар томонидан тўланади: биринчи ҳудудий поғонадаги (қишлоқ, овул, посёлка, шаҳар (районга бўйсунадиган шаҳарлар), шаҳарлардаги халқ депутатлари район Советлари), бюджетлар бўйича шунингдек фуқаролардан катта ҳажмда даромад солиғи тушадиган шаҳарнинг бюджетлари бўйича тушумларнинг бир қисми халқ депутатларининг юқори маҳаллий Советлари белгилайдиган нормативлар бўйича юқори маҳаллий Советлар бюджетларига ўтказилиши мумкин;

б) ер солиғи бўйича тегишли маҳаллий Советларнинг бюджетига ажратмаларнинг нормативлари келгуси йил бюджетини тасдиқлаш чоғида юқори Советлар томонидан белгиланади.

5-модда. Иттифоқ корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари бўйича ундириш муддати ўтиб кетган кредиторлик қарзлари ва бошқа ҳар хил йиғим ва турли носолиқ даромадлар суммалари тўла миқдорда жумҳурият бюджети даромадига ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

Автомобиль инспекциялари томонидан ундириладиган йиғимлар, СССР фуқароларига паспорт берилганлиги учун йиғимлар ва уй дафтарларини сотишдан тушумлар тегишли маҳаллий бюджетларга ўтади.

6-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1991 йилги жумҳурият бюджетининг даромадлари манбалар бўйича қуйидаги миқдорларда белгилансин:

	минг сўм
Оборот солиғи	— 3880000
Фойда солиғи	— 1141625
1982 йилда чиқарилган давлат ички ютуқли заёмларини сотишдан ажратмалар	— 205000
Пул-буюм лотереялари бўйича тушумлар	— 16848
Турли йиғимлар, бошқа ҳар хил носолиқ тушумлар	— 58313
Нарх-навонинг ошиши муносабати билан баҳоларни қайта кўриб чиқишдан тушумлар	— 800000
Сотувдан олинадиган солиқлар	— 1600000
Корхоналарнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондларидан 11 фоиз ажратмалар	— 1707000
Реновацияга мўлжалланган амортизация суммаларидан 20 фоиз ажратмалар	— 362691
Ер солиғи	— 800000
Хом ашё ресурсларидан жумҳурият ҳудудидан ташқарида ҳосил бўладиган соф даромаднинг бир қисмини қайтариш	— 10673000
Жами:	— 21244477

7-модда. Ўзбекистон ССРнинг жумҳурият бюджетида қуйидаги йўналиш ва тадбирларга маблағ ажратиш тасдиқлансин:

а) халқ хўжалигини маблағ билан таъминлашга	— 11827764
Шу жумладан:	
Марказлаштирилган капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлашга	— 2274080
б) ижтимоий-маданий тадбирлар ва фанни маблағ билан таъминлашга	— 3714537
Шу жумладан:	
Халқ таълими ва кадрларга касб ўргатишга	— 1628111
Соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбияга	— 667029
Маданиятга	— 177449
Фанга	— 99492
Ижтимоий таъминот ва давлат нафақаларига	— 1142456
в) давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаш харажатларига (ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам шунга киради)	— 327051
г) резерв фондини ташкил қилишга	— 167200
д) сотувдан олинадиган солиқлар жорий қилиниши муносабати билан бюджетдаги ташкилотларни қоплашга	— 370000
е) ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар	— 1600000
ж) маҳаллий Советлар бюджетларига ўтказиладиган маблағлар	— 4483114
з) бошқа тадбир ва сарф-харажатларга	— 111672
Жами:	— 22601338

8-модда. Белгилаб қўйилсинки, автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишларини маблағ билан таъминлаш 1991 йил 1 январь ойидан қуйидаги ажратмалар ҳисобига амалга оширилади.

— Жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа корхоналар ҳамда хўжалик ташкилотларидан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг (ишлар ёки кўрсатилган хизматларнинг) йиллик ҳажмидан бир фоиз миқдорида, бунда уларнинг олдинги йил режалари бўйича ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришга доир қиймат ифодасидаги ҳисобот маълумотларидан келиб чиқилади;

— тайёрлов, савдо, умумий овқатланиш тармоқлари (шу жумладан, Ўзбекистон ССР Савдо вазирлигининг улгуржи ташкилотлари), таъминлаш-сотиш ташкилотлари йиллик оборотининг 0,1 фоизи миқдорида.

9-модда. Транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ 1991 йил 1 январдан бошлаб 4 баравар оширилсин.

Транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмларнинг эгаларидан олинадиган солиқ маҳаллий бюджет даромадларига киритилиши ва улар пассажир транспорти корхоналарини ривожлантириш ва уларнинг кўрадиган зарарларини қоплашга қаратилиши белгилансин.

Умумий фойдаланишдаги автотранспорт корхоналари пассажирларни ташишни амалга оширадиган автотранспорт воситалари бўйича солиқ тўлашдан озод қилинсин.

10-модда. Белгиланснки, Қорақалпоғистон АССР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари Ўзбекистон ССРнинг бюджет системасига мустақил қисмлар сифатида киритилади.

Кўрсатиб ўтилган бюджетлар 1991 йилдан бошлаб тегишли ҳудудда даромадлар, солиқлар ва бошқа тушумларнинг кўзда тутилаётган ҳажмлари негизида шакллантирилади. Бунда мазкур бюджетларга тегишли нормативлар бўйича умумдавлат солиқларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобга олинади.

11-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1991 йилги давлат бюджети таркибига Қорақалпоғистон АССР бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари 558305 минг сўм ёки 7,48 фоиз миқдордаги дефицит (сарф-харажатларнинг даромадлардан ошиб кетиши) билан даромадларнинг жами суммаси 6905706 минг сўм ва харажатларнинг жами суммаси 7464101 минг сўм этиб киритилсин, шу жумладан:

	даромадлар	харажатлар	тақчил	харажатлар ҳажмига нисбатан фоиз
Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси	577662	624362	46700	7,48
Андижон вилояти	618380	668375	49995	7,48
Бухоро вилояти	552428	597088	44660	7,48
Жиззах вилояти	312572	337842	25270	7,48
Қашқадарё вилояти	492287	532087	39800	7,48
Наманган вилояти	464354	501894	37540	7,48
Самарқанд вилояти	648333	700748	52415	7,48
Сурхондарё вилояти	405963	438783	32820	7,48
Сирдарё вилояти	243443	263123	19680	7,48
Тошкент вилояти	638747	690387	51640	7,48
Фарғона вилояти	617468	667388	49920	7,48
Хоразм вилояти	370159	400084	29925	7,48
Тошкент шаҳри	964000	1041940	77940	7,48

12-модда. Ўзбекистон ССРнинг республика бюджетида 1991 йил учун кассадаги нақд оборот пули 150 миллион сўм миқдорида белгилансин.

Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ижроия қўмиталари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига Қорақалпоғистон АССР, вилоятларнинг маҳаллий бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджети бўйича 1991 йил учун кассадаги нақд оборот пулини бу бюджетларнинг касса ижросини таъминлай оладиган миқдорини аниқлаб олиш тавсия қилинсин.

13-модда. Республика молиясининг ўта мушкуллиги шароитида иқтисодиётнинг соғломлаштиришга, кечиктириб бўлмайдиган ижтимоий масалаларни ҳал қилиш ва бозор муносабатларига ўтиш пайтида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилганлигини ҳисобга олганда Ўзбекистон ССРнинг 1991 йилги давлат бюджетини бажариш ҳамма бўғиндаги бошқарув идораларидан, корхона, бирлашма ва ташкилотлардан қатъий иқтисодий тартиб ва тежамкорликни амалда таъминлашни, иш самарадорлигини мумкин қадар оширишни талаб қилади.

14-модда. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 27 декабрдаги «Республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни 1991 йилнинг 1-кварталида бюджетдан маблағ билан таъминлаш тўғрисида»ги 392-сон қарори бекор қилинсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 февраль.

• Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қарори

«Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раиси ва Ўзбекистон ССР Вице-президентининг шани ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунини қўлланиш ҳамда кучга киритиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ва Ўзбекистон ССР Вице-президентининг шани ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекстон ССР Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

2. Уқтирилсинки, Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ва Ўзбекистон ССР Вице-президентини ошкора ҳақоратлаш уларнинг шани ва қадр-қимматини атайлаб камситишдир.

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раиси ва Ўзбекистон ССР Вице-президентининг обрўсини тўкадиган уйдирмаларни тарқатиш уларга тухмат қилишдир.

Ўзбекистон ССР бошлиғи — Ўзбекистон ССР Президентининг фаолияти тўғрисидаги, унинг раҳбарлигида амалга оширилаётган сиёсат хусусидаги, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ёки Ўзбекистон ССР Вице-президентининг фаолияти ҳақидаги танқидий мулоҳазаларни ўз ичига олувчи ошкора чиқишларга «Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ва Ўзбекистон ССР вице-президентининг шани ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни таъсир қилмайди.

3. Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ва Ўзбекистон ССР Вице-президентига нисбатан ҳақоратни ёки улар шахсига нисбатан тухматни ўз ичига олувчи материалларни эълон қилган оммавий ахборот воситалари ёки уларнинг бўлинмалари (радио, телевидение программалари ва бошқалар) Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ёки Ўзбекистон ССР Вице-президентини ҳақоратлаган ёхуд уларга нисбатан туҳмат қилган конкрет шахс (шахслар) хусусида суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 15 февраль.

Саводхонлик йили доирасида

Ер куррасида юз миллиондан кўпроқ бола ўқиш ва ёзишни ўрганиш имкониятига эга эмас. Қарийб бир миллиард одам саводсиз бўлиб, шуларнинг учдан икки қисми хотин-қизлардир. Сўнгги бор ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, бизнинг республикамизда ҳозир уч юз мингдан зиёд саводсиз бор. Халқаро саводхонлик йили республика комитетининг Тошкентда бўлиб ўтган ялпи мажлисида ана шундай аянчли маълумотлар келтирилди.

Мажлисда В. И. Ленин номли Совет болалар фонди Ўзбекистон бўлимининг вакиллари, илмий-текшириш илмгоҳлари ва олий ўқув юртларининг олимлари ҳамда мутахассислари, вазирликлар ва маҳкамаларнинг, республикамиз кўпгина вилоятларидаги саводхонлик йилини ўтказиш ҳудудий комитетларининг ходимлари иштирок этдилар. БМТ эълон қилган ҳамда ЮНЕСКО ҳомийлигида ўтказилаётган бу халқаро тадбир Ўзбекистонда қандай олиб борилаётганлигининг асосий якунлари муҳокама қилинди.

Мажлис қатнашчилари халқ таълими республикада устун мавқега эга бўлганлигини таъкидладилар. Партия, совет идоралари, шунингдек меҳнат жамоалари ва кўпгина жамоат ташкилотлари саводхонлик йили доирасида халқ таълими системасига ўз ёрдамларини кучайтирдилар.

(ЎзТАГ).

• НОН-РИЗҚУ РЎЗИМИЗ

17 МАРТ — СССР РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ ҚОМИТЕТИДА

⊙ Тошкент вилоят партия комитетида 20 февраль куни бўлиб ўтган кенгаш Умуминиттифоқ референдумига тайёргарлик муаммоларига бағишланди.

Кенгаш ишида район ва шаҳар партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

Вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари Тошкент вилоят Советининг раиси С. Мамарасулов маъруза қилди.

Кенгаш қатнашчилари Тошкент вилояти меҳнаткашларига мурожаат қабул қилиб, референдумда фаол иштирок этишга чақирдилар.

(ЎзТАГ).

Султонали Раҳмонов Бекобод районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида истиқомат қилади. У 22 йил нон заводида ишлади. Ҳозир у рафиқаси Улфатой опа билан уйида ўз қўли билан қурган тандирда нон ёпмоқда. Ҳар куни минг донадан ортиқ иссиқ нонни маҳалладошлари эҳтиёжи учун тайёрламоқда.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

ДАСТУРХОНГА КЎРК, ДАРДГА ШИФО

УЙГА меҳмон келди. Дастурхонга нозу неъматлар қўйилган. Лекин... нонсиз барибир дастурхоннинг кўрки кам. Хонадон файзи, оила ризқи бўлган нон ўзбекнинг меҳмонга бўлган саломидан кейинги иккинчи меҳри, муруввати.

Очиғини айтганда, уйда тандирда ёпилган нонинг таъми бошқа-да! Кунда истеъмол қилсак ҳам меъдага тегмайди, тўйимли, иштаҳаочар... Нега энди айнан нондагина шундай хусусият бор экан?! Ахир, кеча пиширилган овқатдан бугун ҳам тайёрланса (ношукурчилик бўлмасин-у!) дастурхонга ёв қараш қилиб кўямиз. Нонни эса ҳар қачон, ҳар дамда, «ёв қараш қилган овқатимиз» билан бўлса ҳам суйиб истеъмол қиламиз.

Инсон табиатининг нонга бўлган бундай муносабатига сабаб нима? Нонинг турлари кўп. Уларнинг инсон организмига таъсири қандай? Неларга даво экан нон?

ИБН СИНО АЙТАДИ: «Нон тоза, тузи маромида, хамири яхши ишланган, тандирда оширилган ва тандирда яхши пиширилган бўлиши ва бир кеча ўтказиб ейилиши керак. Иссиқ нонни инсон табиати хуш кўриб қабул қилсада, иссиқ ҳолида ейиш мумкин эмас. Кепаксиз ундан қилинган нон кепакли ундан қилинган нонга қараганда анча яхшироқ...

Баъзида тандирдан янги узилган иссиқ нонни совуқ сувга ботириб ейилади ёки суви қочган нонни яхши бўккунча, юмшагунча сувга солиб қўйиб, сўнг истеъмол қилинади. Бундай ювилган нон совутувчи бўлиб, озиқлиги кам бўлади, у меъдада ҳазм бўлиши қийин бўлиб, сузиб юради. У мижози иссиқ бўлган кишилар учун яхши бўлиб, тиқилмалар пайдо қилмайди ва қизитмайди...

Кепаксиз нон бошқа хил нонларга қараганда тўйимли бўлиб, яхши озиқ ҳисобланади. Лекин у секин сингади. Тоза оқ ундан қилинган нон ҳам ўз сифатлари билан кепаксиз унга ўхшайди. Эланмаган серкепак ундан қилинган нон тез сингувчан, лекин кам озиқли. Яхши пиширилмаган, шунингдек хамиртуруши кам нон кўп озиқли бўлади. Лекин у ёпишқоқ бўлиб, тиқилмалар пайдо қилади. Бундай нон фақат кўп ҳаракат қилувчилар учунгина яроқлидир. Енгил буғдой нони ҳам эланмаган ундан қилинган нонга ўхшашдир. Бодом, ёнғоқ майизи, шакар солиб тайёрланган нон қуюқ хилтни пайдо қилади. Талқон қилинган нон эса ел пайдо қилувчи бўлиб, секин ҳазм бўлади. Нонинг яхшироғи бодом ёғи билан аралашгани бўлиб, у сояда қуритилган бўлиши керак.

Яна нондан баъзи шиш ва тошмалар, яраларни даволашда ҳам ишлатилса бўлар экан: Буғдой нони асал суви билан бирга ликда қўшиб ишлатилса, иссиқ шишлар учун яхши наф бўлади. Туз ва сув билан аралаштирилган нонни темирўткига суртилса шифо бўлади...».

ХА, НОННИНГ бундай шифобахшлигини ота-боболаримиз билишган, амалда фойдаланишган. Биз-чи? Билмаймиз! Кимёвий дориларга ёпишиб олганмиз. Ота-боболаримиз кўзига суртган, ерга тушгудек бўлса, дарров қўлига олиб, пуфлаб ўлган нон — хув ўша эрта тонгда уйқудан уйғонганимизда, димоғимизни муаттар ҳиди қитиқлаган тандир нони кечга бориб бир бурдасигина тишланган ҳолда йўл ёқасида — оёқ остида тупроққа булганиб ётганига эътибор қилмаймиз.

Шу ўринда бир ҳикоят ҳаёлимга келди. Бир куни ўғил отага қўл кўтарибди. Ота ўғлининг бу қилиғидан қаттиқ ранжибди. Орага маҳалла оқсоқоли аралашибди: «Отага қўл кўтариш оғир гуноҳ эканлигини отанг ўргатганмиди?», «Йўқ» — дебди ўғил. «Отага қўл кўтариш гуноҳлигини фарзандингизга ўргатмаганмидингиз?» — сўрабди оқсоқол отадан. «Йўқ», дебди ота. «Ундай бўлса сиз шунга лойиқ ота эксансиз» деган экан оқсоқол. Қиссадан ҳисса шуки, нонни увол қилиш, беҳурматлаш, исроф қилиш гуноҳ ишлардан ҳисобланар экан, демак буни фарзандлар қулоғига қуйиш ҳар бир ота-онанинг вазифаси. Токи дастурхон кўрки, хонадон файзи, оила ризқи, дард шифоси — нонни ҳеч ким исроф қилмасин, уволига қолмасин!

М. КОЗИЕВ.

КЕСКИР БЎЛСИН

лар муаммоси масалалари қай даражада қизиқтираётгани ҳақидаги масала ҳаммасидан устун келди. Танаффус эълон қилинганда съезд ҳайъатига ошиқдим.

АНАТОЛИЙ Иванович мен билан самимий кўришди. Илтимосимга кўра мандатлик варақамга имзосини чекди. Шу орада саволимни бериб улгурдим:

— Октябрь инқилобидан кейинги дастлабки қарорлардан бири хотин-қизлар муаммосига бағишланган эди. Бунда хотин-қизларни тунги сменаларда ишлашдан озод этиш масаласи қўйилганди. Қарорда тунги сменалардан фақат вақтинчалик фойдаланиш кўрсатилган бўлса-да, орадан 73 йил ўтибдики, ҳамон бу масала ечимини кутаяпти. Журналист хотин-қизлар ҳам ана шу тунги сменаларда ишлайдиган хотин-қизлар қаторидан ўрин олади. СССР Олий Кенгашида журналист аёлларнинг иш шароитини енгиллатиш, пенсияси масаласи бораси да бирор чора-тадбир кўриляптими?

— Очиғини айтсам, хусусан журналист аёллар ҳақида алоҳида масала кўтарилаётгани йўқ. Лекин СССР халқ депутати Раъно Убайдуллаева шарқ хотин-қизлари меҳнат шароитини яхшилаш, турмуш шароитини кўтариш масалалари бўйича таклиф-мулоҳазаларни ишлаб чиқиш комиссиясида фаол ишлаяпти. Шарқ хотин-қизларининг турмуш шароитини яхшилаш ва меҳнатини енгиллаштиришга даҳлдор барча имтиёзлар журналист хотин-қизларга ҳам тегишли деб ўйлайман.

— СССР Журналистларининг VII съездига келган жами делегатлар орасида 20 фоизигина хотин-қизлар. Бунга қандай қарайсиз?

— Афсусланаман... Иттифоқда ҳам, жумҳуриятларда ҳам бу масалада ғамхўрлик қилишлари керак...

Гап съездга сайланиш-сайланмасликда ҳам эмас. Гап аёлга муносабатда. Қўли қўрғошин бўёқларидан қорайиб, эртаю кеч рўзнома, ойномалар чиқараётган ноҳия, шаҳар, вилоят рўзномалари ходимлари, 7 килограммли аппаратни кўтариб, вилоятма-вилоят командировкада юрган радиожурналист, тележурналист хотин-қизлар ҳақида.

Маълумотларга қараганда, олий ўқув юртларининг журналистика бўлими ёки факультетлари талабаларининг аксарияти қизлар. Маҳаллий ахборот бўлимларида ишлаётган аёл журналистлар эса бармоқ билан санарли. Қани у дипломли хотин-қиз журналистлар? Улар нега бошқа ишларга ўтиб кетишяпти?

Мухбирлик фаолиятимиз ҳақида ўйга толаман. Олижаноб касб эгаларимиз. Қанчадан-қанча меҳнат аҳлини юзага олиб чиқиб элга танитсак, халқ танасига зулукдек ёпишиб қонини сўриб ётган порахўр, таъмагирларни жонимизни ҳовучлаб, хавф-хатарлар остида қолиб бўлса-да, фош этсак... Қанчадан-қанча ногирон, қаровчиси йўқ одамларни уй-жой билан таъминлаш, нафақаларини ошириш, тақдирлаш каби тадбирларда вақтимизни ҳам, кучимизни ҳам, ҳатто саломатлигимизни ҳам аямасак... Бундан ортиқ хайрли иш борми ўзи!

Мухбирни жасоратли пос бонга ўхшатгим келади. У бошқаларнинг ҳожатини чиқаради-ю, ўзи ҳар қандай имтиёздан бебаҳра бўлиб бир чеккада қолиб кетаверади. Мухбирларнинг меҳнати етарли тақдирланмаяпти. Маоши кам, қалам ҳақи эса кўз нурини тўкканига арзимайди. Бу ҳам етмаганидек, ундан турли-туман солиқлар ундириб олишади.

Орзуга айб йўқ, дейдилар. Ҳалол хизмат қилаётган журналистларни ҳам халқ артистлари, ёзувчилар, рассомлар қатори жамоатчилик орасида 50, 60, 70... ёшлик тўйларини нишонласак арзийди.

Ҳаётдан кўз юмиб кетгандан кейин тақдирланаётган мухбирлар ҳам йўқ эмас. Бошқаларга ўхшаб мухбирлар ҳам олган мукофотларининг роҳатини кўрса бўлмайдими? Шундай экан, мухбир гуркираб ишлаётган навқирон пайтида мукофотларга тавсия этилиши жоиз.

Съезд журналистнинг ана шундай кўп жиҳатлари ҳақида ўйлашга, бу борада кескин ўзгаришлар ясашга даъват этди.

Куни кеча СССР журналистлар уюшмаси VII съезднинг СССР Президентига, СССР Олий Кенгашига, иттифоқдош республикаларнинг Олий Кенгашларига Мурожаати эълон қилинди. Жумҳуриятимиз раҳбарлари бу Мурожаатни қўллаб-қувватлашларини астойдил истар эдим.

Съезднинг энг ҳаяжонли дамлари ҳақида икки оғиз сўз. Съезд Бутуниттифоқ журналистларининг батамом янги ташкилотига асос солди. Делегатлар янги қабул қилинган мезонга асосан конфедерация асосидаги СССР Журналистлар уюшмасини туздилар. Бошқарув ранслигига СССР Давлат мукофоти лауреати Эдуард Сагалаев энг кўп овоз олиб сайланди. Унинг юртдошимиз экани, мухбирлик фаолиятини Ўзбекистонда бошлаб, бунда камол топгани, ҳозирда эса марказий ойнаи жаҳон муҳарририятларидан бирида ишлаётгани билан ғурурландим.

Сафларида тўрт мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган Ўзбекистон журналистларининг янгиланган—мустақил ва нжодий уюшмасига келсак, у ўз фаолиятини юқори савияга кўтаради, деб ишонамиз. Бу аввало журналист кадрлар сафларининг мухбирлик салоҳияти юксак ва маънавий пок қаламкашлар ҳисобига кўпайиб бориши ва жойлардаги бошланғич журналистлар уюшмаларининг ҳурмат-обрўси билан белгиланади, албатта.

Энг муҳими журналистларнинг қар икки, яъни жумҳурият ва Иттифоқ қурултойлари бизга ўтган кунларимизга ҳам, бугунимизга ҳам жиддий назар ташлашга, ҳозирги мураккаб даврда ҳар вақтдагидан ҳам ҳушёрроқ, масъулиятлироқ ишлашга даъват этади.

Дилбар МАҲМУДОВА,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири. Съезд делегати.
Тошкент—Москва—Тошкент.

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ХАЛҚАРО МАЙДОНДА

● Стокгольм шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада совет спортчилари муваффақиятли қатнашдилар. Улар учта олтин медалли бўлишди. Усти берк майдонда ўтказилган бу баҳсда тошкентлик Радион Гатаулин ланғар билан сакраб, 5 метру 77 сантиметрлик маррани эгаллади. Бу билан вакилимиз командадошлари ютуғига муносиб ҳисса қўшди.

КУРАШ:

УМИДЛИ ЁШЛАР

● Фарғонада ёшлар ўртасида классик кураш бўйича ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида тошкентлик полвонлар маҳорат кўрсатишди. Улар 10 вазндан 8 тасида ғалабага эришди. Чунончи, Ғ. Абдуллаев, Ш. Жўдойбердиев, И. Ҳамроев, Д. Аблокимов, Г. Алиев, З. Ғарипов, Р. Ҳодиев, А. Фельдманлар муваффақият қозондилар.

ФУТБОЛ:

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

● «Пахтакор» хотира-совғини учун мусобақалар давом этмоқда. Учта учрашувда 6 тадан очко тўплаган жамоалар пешқадамлик қилишмоқда. Чунончи, «Пахтакор», «Суғдиёна» ва «Чирчиқ» футболчилари олдинда боришяпти. Тўрттадан очко тўплаган «Норин» «Зарафшон» жамоалари ҳам ўз гуруҳларида пешқадамлик қилишмоқда.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

профессор-ўқитувчилар таркибидаги

БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: 1-социализм назарияси, таркибий ва саноат геофизикаси, саноат қурилмаларининг электр симлари ва уларни автоматлаштириш, 2-назарий ва умумий электр техникаси, саноат ва фуқаро бинолари меъморчилиги;

доцентлар: 1-сиёсий тарих, 1-сиёсий иқтисод (3), 2-сиёсий иқтисод, 2-социализм назарияси, «Алгоритм» ижтимоий фанлар (2), 1-олий математика (2), 2-олий математика, физика (2), назарий механика, амалий механика, умумий ва ноорганик кимё, фойдали қазилма конларини очиқ ишлаш технологияси ва уни комплекс механизациялаш (2), кон транспорт машиналари ва кон механикаси (2), меҳнат муҳофазаси, кон ишларини электрлаштириш ва автоматлаштириш, рангли металлар металлургияси (3), геодезия ва маркшейдерлик, кон ва геология-қидирув ишлари иқтисоди ва уларни ташкил қилиш (3), геология, фойдали қазилма конлари геологияси ва уларни қидириш (2), гидрогеология ва муҳандислик геологияси (2), қидирув-техникаси, минерология ва кристаллография, фойдали қазилма конларини қидиришнинг геофизик усуллари (1,5), таркибий ва саноат геофизикаси, органик кимё (2), қийин эрийдиган нометаллар ва силикатли материалларнинг кимёвий технологияси (2), физикавий кимё, ноорганик моддалар технологияси, жараёнлар ва аппаратлар, ачитқи ишлаб чиқариш технологияси (3), умумий ва ноорганик кимё (2), электр машиналари (2), электр станциялари, умумий ва назарий иссиқлик техникаси, иссиқлик электр станциялари, энергетика иқтисоди ва уни ташкил қилиш, саноат қурилмаларининг электр симлари ва уларни автоматлаштириш, 2-назарий ва умумий электр техникаси (2), радиоэлектроника асослари ва физикавий электроника ва микроэлектрон асбоблар, электр техниканинг назарий асослари, тажрибавий ва назарий физика (4), электрон ҳисоблаш машиналари (2), информация системаларининг дастурий таъминоти, информатика ва ҳисоблаш техникаси, электрон ҳисоблаш аппаратларини конструкциялаш ва уларни ишлаб чиқариш, саноат ва фуқаро биноларининг меъморчилиги (7), темир-бетон ва тош конструкциялари, қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ва бошқариш ҳамда режалаштириш (2), бинолар ва иншоотларни қуриш технологияси (2), қурилиш механикаси ва зилзилага бардошлилик асослари, иссиқлик-газ таъминоти ва шамоллатиш, қурилишда иқтисод ва бошқарув (2), йиғма темирбетон ишлаб чиқариш (2), турар жой биноларини меъморий лойиҳалаштириш (2), шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли жойларини режалаштириш;

катта ўқитувчилар: 2-сиёсий иқтисод (2), 2-социализм назарияси, маданият тарихи, эстетика ва ҳашамлаш (3), 3-рус тили (3), 1-жисмоний тарбия (4), 2-жисмоний тарбия, совет ҳуқуқи асослари, рус тили (2), чет тиллари (4), 1-олий математика (6), 2-олий математика (4), физика (2), чизма ҳандаса, амалий механика, фуқаро мудофааси, ўзбек тили (2), фойдали қазилма конларини ер остида ишлаш технологияси ва уни комплекс механизациялаш, геодезия ва маркшейдерлик, геология, таркибий ва саноат геофизикаси (2), физикавий кимё, ёғочга ишлов бериш технологияси, энергетика иқтисоди ва уни ташкил қилиш, саноат қурилмаларининг электр симлари ва уларни автоматлаштириш, 2-назарий ва умумий электр техника, автоматика ва телемеханика, физикавий электроника ва микроэлектрон асбоблар, тажрибавий ва назарий физика (2), амалий математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси, информатика системаларининг дастурий таъминоти, робот-техника ва ахборот системалари (4), ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, саноат ва фуқаро бинолари меъморчилиги, замин, асос ва пойдеворлар механикаси, қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ва бошқариш ҳамда режалаштириш, қурилиш механикаси ва зилзилага бардошлилик асослари, гидравлика (2), иссиқлик-газ таъминоти ва шамоллатиш (2), қурилишда иқтисод ва бошқарув, йиғма темир-бетон ишлаб чиқариши;

ўқитувчилар: 3-рус тили, 1-жисмоний тарбия (6), 2-жисмоний тарбия, рус тили (3), чет тиллар, ўзбек тили (12);

ассистентлар: 1-сиёсий тарих (4), 1-фалсафа, 2-сиёсий иқтисод (4), маданият тарихи, эстетика ва ҳашамлаш (2), ижтимоий фанлар, 1-олий математика (8), 2-олий математика (3), физика (2), чизма-ҳандаса, амалий механика, ўзбек тили (2), фойдали қазилма конларини ер остида ишлаш технологияси ва уларни комплекс механизациялаш, кон ва кон қидирув ишлари иқтисоди ҳамда уларни ташкил қилиш, кон саноати иқтисоди ва уни ташкил қилиш, геология, фойдали қазилма конларини излаш ва қидириш (2), гидрогеология ва муҳандислик геологияси, фойдали қазилма конларини қидиришнинг геофизик усуллари, нефть ва газ конларини ишлаш (3), жараёнлар ва аппаратлар, пластмассани қайта ишлаш технологияси, ачитқи ишлаб чиқариш технологияси, мойлар технологияси, ёғочга ишлов бериш технологияси, электр станциялари, энергетика иқтисоди ва уни ташкил қилиш, саноат қурилмаларининг электр симлари ва уларни автоматлаштириш (2), саноат корхоналари ва шаҳарларнинг электр таъминоти, 2-назарий ва умумий электр техника, электр-изоляция ва кабель техникаси, саноат иссиқлик энергетикаси, радио электроника асослари, физикавий электроника ва микроэлектроасбоблар (2), саноат электроникаси, электр техниканинг назарий асослари, материаллар физикаси ва технологияси, амалий математика, электрон ҳисоблаш машиналари (2), автоматлаштирилган бошқарув системалари, информатика ва ҳисоблаш техникаси (2), робот-техника ва ахборот системалари (2), электрон ҳисоблаш аппаратларини конструкциялаш ва ишлаб чиқариш, саноат ва фуқаро меъморчилиги, темир-бетон ва тош конструкциялари (2), бинолар ва иншоотларни қуриш технологияси, иссиқлик газ таъминоти ва шамоллатиш (3), йиғма темирбетон ишлаб чиқариши, шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳолиси яшайдиган жойларни режалаштириш, расм, ранг-тасвир ҳайкалтарошлик;

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА ТАЙЁРЛАШ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ БЎЛИМИ

катта ўқитувчилар: ўзбек тили; адабиёт ва жамиятшунослик, умум таълим фанлари (2);

ўқитувчилар: ўзбек тили, адабиёт ва жамиятшунослик (2);

ассистентлар: ўзбек тили, адабиёт ва жамиятшунослик, умумтаълим фанлари (2);

КЕЧКИ-СИРТҚИ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА:
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

доцент: чизма ҳандаса;
катта ўқитувчи: чизма ҳандаса;
ўқитувчи: рус тили;
ассистентлар: чизма-ҳандаса (2);

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

доцент: саноат ва фуқаро қурилиши;
катта ўқитувчилар: кимё ва кимёвий технология, умуммуҳандислик фанлари, физика ва электроника, саноат ва фуқаро қурилиши, саноат қурилмаларининг электр симлари ва уларни автоматлаштириш;
ассистентлар: саноат ва фуқаро қурилиши, олий математика;

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА

доцент: ижтимоий фанлар;
катта ўқитувчи: умуммуҳандислик фанлари;
ассистентлар: олий математика ва физика, умуммуҳандислик фанлари;

АНГРЕН ШАҲРИДА

мудир: умуммуҳандислик фанлари;
катта ўқитувчилар: умуммуҳандислик фанлари (2), олий математика ва физика, энергетика ва физика, энергетика фанлари, саноат ва фуқаро қурилиши;
ассистентлар: кимё ва кимёвий технология, саноат ва фуқаро қурилиши, энергетика фанлари;

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА

доцент: олий математика;
катта ўқитувчи: умуммуҳандислик фанлари;
ассистентлар: ижтимоий фанлар (2), саноат ва фуқаро қурилиши, қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқариш (2), кимё, техникавий механика, олий математика, қурилишда иқтисод ва бошқарув;

ҚАРШИ ШАҲРИДА
УМУМИЙ ТЕХНИКА КУЛЛИЁТИ

катта ўқитувчилар (2);
ўқитувчи;
ассистентлар (4);

НУКУС ШАҲРИДА
УМУМИЙ ТЕХНИКА КУЛЛИЁТИ

доцент:
катта ўқитувчилар (3);
ассистент.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 25 ФЕВРАЛГАЧА.

Ҳужжатлар — қуйидаги манзилга юборилсин: 700095, Тошкент шаҳри, Мирошкина кўчаси, 2-уй, Тошкент политехника олий билимгоҳининг бош биноси, 201-хона.

КОРХОНАЛАР, КОММУНАЛ-ХЎЖАЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ, ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ГАЗДАН ОҚИЛОНА ВА ТЕЖАБ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

Газ асбобларининг ўз вақтида ва сифатли техникавий қаровдан ўтказилишини таъминланг. Эски хилдаги буғ қозонларини янги, юксак унумли буғ қозонларига алмаштиринг. Газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадида иссиқликнинг марказлаштирилган буғ қозонлари орқали етказиб берилишини назарда тутиб, майда қозонлардан фойдаланишни тўхтатинг. Турар жой, жамоат бинолари орқали ўтган барча ер ости муҳандислик иншоотларининг (газ қувурлари, иссиқлик тармоқлари кабель, сув қувурлари) сув, ҳаво ўтказмайдиган герметик ҳолатда бўлишини таъминланг. Мўркон ва шамоллатиш йўлларининг ҳолатини ўз вақтида текширишни ташкил қилинг. Газ тақсимлаш пунктларини, газлаштирилган қозонхоналарни текширув-ўлчов асбоблари, хавфсизлик автоматикаси билан таъминланг. Газ қувурлари, ускуналарнинг ҳолатини доимо назорат қилиб боринг.

Газдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини тарғибот қилиш ишларини янада кучайтиринг.

КОММУНАЛ, УЙ-ЖОЙ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Мўрконлар ва шамоллатиш йўлларини доимо текшириб туринг. Газ хўжалиги жавобгар шахсларни буйруқ орқали расмийлаштириб, буйруқнинг бир нусхасини газлаштириш идораларига топширинг.

Фойдаланишга оид техникавий ҳужжатлар техника хавфсизлиги талаблари ва қоидалари асосида юритилишини таъминланг. Қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа асосида олиб борилишини назорат қилинг. Уй-жойдан фойдаланиш идораларида газдан хавфсиз фойдаланиш бурчакларини ташкил этинг. Янги уйларга кўчиб кирувчиларга газ идоралари қошидаги техника хавфсизлиги хоналарида газдан фойдаланиш қоидалари ўргатилганидан кейингина кўчиб киришга рухсат берилиши лозим.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Газни тежанг, кераксиз пайтларда газ асбобларини ёқманг. Иситиш системаларининг очиқ жойларини иссиқликни сақловчи материаллар билан ўранг, иситиш системаларининг кенгаювчи жиҳозларини ўраб қўйинг.

ГАЗ ПЛИТАЛАРИ БИЛАН ХОНАНИ ИСИТМАНГ. БУ ЗАҲАРЛАНИШГА ОЛИБ КЕЛАДИ

Табиий газдан иссиқхона ва гаражларни иситиш учун фойдаланманг. Ёдингизда бўлсин, сиз тежаб қолган 1 куб. метр табиий газ билан 8,6 килограмм нон маҳсулотлари, 700 грамм полиэтилен ишлаб чиқариш мумкин. Бир куб. метр табиий газни сиз кунига 1 соат давомида иссиқлик печини ўчириб қўйиш билан тежашингиз мумкин, бу сизнинг онлангиз хавфсизлиги учун ҳам зарурдир.

ГАЗ ПЛИТАСИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН КЎП МИҚДОРДА ГАЗНИ ТЕЖАШ МУМКИН, БУНИНГ УЧУН:

— газ плиталарининг беҳуда узоқ вақт ишлашига йўл қўйманг, овқат тайёрлаб бўлганингиздан кейиноқ уни албатта ўчириб қўйинг.

— имкони борича ҳажми кичик идишлардан фойдаланинг, овқат тайёрлаш пайтида қопқоғини ёпиб қўйинг.

Бу билан сиз 10-15 фоиз табиий газни тежаган бўласиз. Газга қўйилган сув ёки овқат қайнаганидан кейин газни пасайтиринг — сиз газни тежаш билан бирга бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўласиз.

Газ етказиб берувчи идоралар ҳисоб-китоб ишларини вақтида амалга ошириши учун газ ҳақини омонат кассаларига ўз вақтида тўлаб боринг. Об-ҳаво паст келган кунларда, айниқса эҳтиёт бўлинг! Кучли шамол мўрконларда тутун йиғилиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бунда газ ёқиш натижасида ҳосил бўлган заарли чиқинди мўркон ичида қолади ва заҳарланишга олиб келади.

Мўркон тутунни тортмаса ёки тортиш кучсиз бўлса газ асбобларидан фойдаланмаслик керак. Газ ҳидидан заҳарланиб, димиқиб қолиш мумкин. Бу камчиликларни бартараф этиш учун дарҳол уй-жойлардан фойдаланиш идоралари, кўнгилли ўт ўчириш жамиятларига мурожаат қилинг.

Агар аланга мўркон ичига тортилса, демак тортиш кучи рисоладагидай ҳолатда бўлиб, колонкадан бемалол фойдаланиш мумкин.

МЎРИЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА МУНТАЗАМ ТЕКШИРИБ ВА ТОЗАЛАБ ТУРИШ КЕРАК:

газ-сув иситкич колонкалари ва ресторан плиталарининг ғиштли мўрилари ҳар уч ойда бир марта, асбест-цемент ва сополдан қурилган ўтга чидамли мўрилар ҳар 12 ойда бир марта;

иситиш-қайнатиш печларининг мўрилари бир йилда уч марта — иситиш мавсуми бошланиши олдидан ва иситиш мавсуми ўртасида, шунингдек, баҳор пайти (кунлар илий бошлагач);

бошқа мўрилар (иситиш печлари, қозонлари) бир йилда бир марта — иситиш мавсуми бошланиши олдидан.

Мўриларни текшириш, тозалаш ва хулосаномаларни расмийлаштириш ишларини шаҳар, ноҳия ҳамда қишлоқ кўнгилли ўт ўчириш жамиятлари амалга оширадилар.

Агар иситиш мавсуми бошлангунга қадар: шаҳар, ноҳия ва участка газ хўжалигига мўриларнинг яроқли эканлиги тўғрисидаги хулосанома тавсия қилинмаса, у ҳолда ўша саноат ва маиший хизмат корхоналари, абонентлар газдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этиладилар.

«ЎЗБЕКГАЗ» БОШҚАРМАСИ Ўзсср коммунал хўжалик Министрлиги.

«ЎЗБЕКГАЗ» ГАЗ ХЎЖАЛИГИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ГАЗ ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991—1992 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

СИРТҚИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ССЖИ Қуролли Кучлари сафларидан заҳирага бўшатилганлар, биргина хўжаликда камида икки йиллик, охирги бир йили шу хўжаликда узлуксиз меҳнат фаолиятига эга бўлган илғор колхозчилар, ишчилар ҳамда ўқув ишлаб чиқариш бригадаларининг аъзолари бўлган умумий таълим мактабларининг битирувчилари хўжаликлар йўлланмаси билан қабул қилинади. Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятининг назорати ва таҳлили ихтисоси бўйича мутахассислар тайёрлайдиган кулliётга эса ҳисоб ва назорат ишларида банд бўлиб, камида 2 йил шу соҳада меҳнат қилганлар қабул қилинади.

Олий билимгоҳ агрономия мутахассислиги бўйича: агрокимё ва тупроқшунослик, агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, ҳайвоншунослик, агросаноат комплекслари тармоқларини бошқариш ва унинг иқтисоди, бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятининг назорати ва таҳлили ихтисоси бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар ректор номига ариза, иш жойидан йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), **ишлаб чиқариш, партия-комсомол тавсифномаси, 8 дона сурат** (3x4 см.), **тиббий шаҳодатнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирмани тақдим этадилар.**

АГРОНОМИЯ МУТАХАССИСЛИГИГА КИРУВЧИЛАР БИОЛОГИЯ ВА КИМЁДАН, ИҚТИСОД МУТАХАССИСЛИГИГА КИРУВЧИЛАР БИОЛОГИЯ ВА МАТЕМАТИКАДАН СУҲБАТДАН ЎТКАЗИЛАДИ.

Ҳужжатлар 10 мартгача қабул қилинади.

СУҲБАТЛАР 15 МАРТДАН 25 МАРТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Тингловчилар сафига қабул қилиш 25 мартдан 31 мартгача ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР—1 АПРЕЛДАН БОШЛАНАДИ.

СИРТҚИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТГАН ТИНГЛОВЧИЛАР ОЛИЙ БИЛИМГОҲ СИРТҚИ БЎЛИМИНИНГ I КУРСИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Манзилимиз: 700183, Тошкент шаҳри 183, Телефон — 63-75-00.

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЖУМҲУРИЯТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ноозиқ овқат (саноат) товарлари сотувчиси ва контролёр кассир;
озиқ-овқат моллари сотувчиси ва контролёр-кассир;
қандолатчилик ва ошпазлик;
муз қаймоқ ишлаб чиқариш;
декораторлар (ўқиш муддати 2 йил);
газ-сув савдо автоматларини тузатувчи (ўқиш муддати 11 ой);
бухгалтерлар (ўқиш муддати — 1 ой).

Сотувчи ва контролёр кассир, ошпазлик ва қандолатчилик ихтисослари бўйича ўқиш муддати — 3 ой, 6 ой ва 8 ой:

Курсни битирганларга гувоҳнома ва диплом берилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГУРУҲЛАР ТЎПЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Билим юртига Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида яшовчилар қабул қилинади.
Билим юрти қошида ётоқхоналар мавжуд.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700173, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Собир Юсупов кўчаси, 3-уй (13, 70, 116«э»-автобусларнинг «Тез ёрдам клиникаси» бекати, 4, 9-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекати). Телефонлар: 75-35-86, 75-35-92.

АЭРОФЛОТ

ҲУРМАТЛИ ЙЎЛОВЧИЛАР!

1991 ЙИЛ 23 ЯНВАРДАН БОШЛАБ

ҲАВО ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ ҲАҚИ УЧУН ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДАН

5 ФОИЗЛИ СОЛИҚ ОЛИШ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

Мисол учун, Москвагача, чипта ҳақи 50 сўм, бунга қўшимча яна 50 тийинлик восита йиғими олинадиган бўлса, эндиликда 5 фоизли солиқ билан умумий қийматининг 2 сўм 90 тийинини ташкил этади, яъни Тошкентдан Москвагача ҳаво транспортида бориш ҳақи 59 сўм 40 тийин бўлади.

Ташиш учун ва кредит (насия)га, кафолатли бўнак бўйича, шартномалар бўйича ва ҳоказо хизматлар учун ташкилотлар билан ҳисоб-китоб қилишда 5 фоиз ҳажмидаги солиқ тўланиши лозим бўлган пул миқдоридан келиб чиққан ҳолда ташкилотлардан ундириб олинади.

Ташиш ва хизматларга оид тўловларни қайтариб бериш билан бир вақтда ана шу қайтарилиши лозим бўлган пул миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган солиқ ҳам қайтариб берилади.

АЭРОФЛОТ КАССАЛАРИДАН ТЕГИШЛИ МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

МАРКАЗИЙ ҲАВО ЙЎЛЛАРИ АГЕНТЛИГИНИНГ РЕКЛАМА БЮРОСИ

№ 38. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000 Тошкент ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12